




XASR



ЎТМОЙ-
СИЙОСИЙ
GAZETA

Газета 2004 йил 1 январдан
чиқа бошлаган

TADBIRKORLAR VA
ISHBILARMONLAR HARAKATI
— O'ZBEKISTON LIBERAL-
DEMOKRATIK PARTIYASI
NASHRI

2011 йил 14 апрель, пайшанба
15 (387)-сон,
E-mail: xasr@xasr.uz



«ХАБЕАС КОРПУС»
ИНСТИТУТИНИНГ АМАЛИЁТТА
ТАТБИҚ ЭТИЛИШИ ИНСОННИНГ
КОНСТИТУЦИЙАВИЙ ҲУҚУҚ ВА
ЭРКИНЛИКЛАРИ, УНИНГ
ДАХЛСИЗЛИГИНИ ҲИМОЯ
ҚИЛИШНИНГ МУҲИМ ОМИЛИДИР



1 ЧОРАК ЯКУНЛАРИГА КЎРА,
ТИЖОРАТ БАНКЛАРИ ТОМОНИДАН
2010 ЙИЛНИНГ ШУ ДАВРИДАГИГА
НИСБАТАН 1,4 БАРОБАР КЎП, ЯЪНИ
866 МИЛЛАРД СЎМ МИҚДОРИДА
КРЕДИТЛАР АЖРАТИЛДИ



ШВЕЙЦАРИЯДАГИ «SWISS RE»
СУҒУРТА КОМПАНИЯСИ 2010
ЙИЛДА ТАБИЙ ОФАТЛАРДАН
КЎРИЛГАН ЖАМИ ЗАРАР 222
МИЛЛАРД АҚШ ДОЛЛАРИНИ
ТАШКИЛ ЭТГАНИНИ МАЪЛУМ
ҚИЛДИ

3 КОНЦЕНЦИЯ

6 ИСЛОҲОТ

7 ХАЛҚАРО
ҲАЁТ

БУЮК ВА МУҚАДДАССАН, МУСТАҚИЛ ВАТАН!

«Биз — 20 ёшдамиз»

МУСТАҚИЛЛИК ЙИЛЛАРИДА ЭРИШИЛГАН ЭНГ КАТТА
ЮТУҚЛАРИМИЗДАН БИРИ, ШУБҲАСИЗ, ЗАМОНАВИЙ
ФИКРЛАЙДИГАН, СОҒЛОМ ВА БАРКАМОЛ АВЛОДНИНГ
ВОЯГА ЕТГАНИДИР. КАТТА ҲАЁТ ОСТОНАСИДАГИ ЙИГИТ-
ҚИЗЛАРГА ОҚ ЙЎЛ ТИЛАБ, УЛАРНИ МУНОСИБ ИШ ЖОЙЛАРИ
БИЛАН ТАЪМИНЛАШ ЭСА ОЛДИМИЗДА ТУРГАН ЭНГ МУҲИМ
ВАЗИФАЛАРДАН ҲИСОБЛАНАДИ

«Ўзбекистон маданияти ва санъати форуми», «Меҳр нури» жамғармалари, «Келажак овози» ёшлар ташаббуслари маркази ҳамда «Аёллар кенгаши» жамоат бирлашмаси томонидан Бухоро шаҳрида ўтказилган «Биз — 20 ёшдамиз» акцияси ҳам айнан ана шу мақсадда ташкил этилди.

Мазкур тадбир доирасидаги асосий лойиҳалардан бири бўш иш ўринлари ярмаркаси бўлиб, унда вилоятдаги 400 дан ортиқ корхона ҳамда муассаса ўзининг 3885 та бўш иш ўрни билан қатнашди.

Акция доирасида республика «Меҳр нури» жамғармаси қарийб 500 нафар уруш ва меҳнат фахрийлари, кам таъминланган ва эҳтиёжмандлар, талаба ёшларга тўқин дастурхон ҳам ташкил этди.

«Бухоро-гранд» меҳмонхонасида эса «Келажак пресс» ёшлар матбуот марказлари фаоллари ҳамда ОАВ ходимлари иштирокида қизиқарли давра суҳбати бўлиб ўтди. Ёш қаламкашлар хузарида сўзга чиққан Ўзбекистон

тон мустақил босма оммавий ахборот воситалари ва ахборот агентликларини қўллаб-қувватлаш ва ривожлантириш жамоат фонди директори ўринбосари Акбар Жонузов, Ўзбекистон электрон оммавий ахборот воситалари миллий ассоциацияси ижрочи директори Бахшулла Бозоров, Ўзбекистон Журналистлари ижодий уюшмаси вилоят бўлими раиси, «Бухорнома» ва «Бухарский вестник» газеталари бош муҳаррири Жаҳонгир Исмоиловлар Ўзбекистон матбуотининг мустақиллик йилларидаги тарққиёти хусусида атрафлича маълумот бердилар.

Анжуман доирасида Фуқаролик жамиятини ўрганиш институти Бухоро минтақавий ахборот-таҳлил марказида ташкил этилган «Ёш тадбиркорлар форуми» ҳам қизгин ўтди. Олий ўқув юрглари ва касб-хунар коллежларининг битирувчилари, ёш тадбиркорлар банк, молия, солиқ идоралари, Савдо-саноат палатаси, кредит уюшмалари

раҳбарлари билан юзма-юз мулоқоти чоғида ўзларини қизиқтирган қўллаб-қувватлаш ва ривожлантиришга батафсил жавоблар олдилар.

«Бухоро Палас» меҳмонхонасида уюштирилган ёшлар мунозара клублари тақдими, инглиз тилини пухта ўзлаштирган 85 нафар талаба иштирокида Бухоро давлат университетида бўлиб ўтган «Лингво мастер» тадбири, Бухоро озиқ-овқат ва енгил саноат технологияси институтида ўтказилган мақолалар танлови, «Истиқлол» телерадиокомпанияси Ёшлар студиясида журналистикага қизиқувчи йигит-қизлар ўртасидаги маҳорат кўриги, вилоят маданият марказида соғлом турмуш тарзини тарғиб этиш билан боғлиқ югуриш марши ҳам иштирокчиларда катта таассурот қолдирди.

Ибн Сино номли маданият саройида «Нихол», «Келажак овози», «Янги авлод» танловларининг голиблари иштирокида гала-концерт бўлиб ўтди.



Солиқ ЗОИР олган суратлар

Маҳаллани оилавий бизнес марказига айлантирайлик

ОЛИЙ МАЖЛИС ҚОНУНЧИЛИК ПАЛАТАСИДАГИ О'ZLIDER ФРАКЦИЯСИНИНГ «МАҲАЛЛА» ҲАЙРИЯ ЖАМҒАРМАСИ БИЛАН БИРГАЛИКДА ЎТКАЗГАН «МАҲАЛЛА — КИЧИК БИЗНЕС ВА ХУСУСИЙ ТАДБИРКОРЛИКНИ РИВОЖЛАНТИРИШ МАРКАЗИ» МАВЗУИДАГИ СЕМИНАРДА МАҲАЛЛАЛАРНИ ОИЛАВИЙ БИЗНЕС ВА ХУСУСИЙ ТАДБИРКОРЛИК МАРКАЗЛАРИГА АЙЛАНТИРИШ УЧУН ЭНГ ЗАМОНАВИЙ УСУЛЛАРДАН ФОЙДАЛАНИШ, БУНДА НОДАВЛАТ НОТИЖОР ТАШКИЛОТЛАР, СИЁСИЙ ПАРТИЯЛАР ВА ЎЗИНИ ЎЗИ БОШҚАРИШ ОРГАНЛАРИНИНГ ҲАМКОРЛИГИ РЕАЛ НАТИЖАЛАР БЕРИШИГА АЛОҲИДА ЭЪТИБОР ҚАРАТИЛДИ

Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат ва жамият қурилиши академиясида ўтказилган тадбирда давлат ҳокимиятининг айрим ваколатларини ўзини ўзи бошқариш органларига бериш орқали улар мавқебини янада мустақамлашга қаратилаётган эътибор натижасида бутун маҳалла шу ерда истиқомат қилувчиларнинг ҳаётий масалаларини ҳал этишга қодир бўлган энг муҳим иж-

тимоий институтга айлангани таъкидланди.

— Ўзбек давлатчилигини шакллантиришда муҳим ўрин эгаллаган маҳалла қадимдан аҳолини ижтимоий-иқтисодий муҳофаза этиш ва оилавий тадбиркорликни ривожлантириш маркази бўлиб келган, — деди «Маҳалла» ҳайрия жамғармаси раиси ўринбосари Раҳматилла Шералиев. — Деградация, кулчилик, пичоқчилик, новвойлик, зардушлик ва темирчилик сингари ўнлаб хунар-

мандчилик турларига ихтисослашган маҳаллаларда ишлаб чиқарилган халқ истеъмоли буюмлари аҳоли эҳтиёжини қондиришдан ташқари, мамлакатимиз шухратини дунёга танитишга ҳам хизмат қилмоқда. Бутун тарихан сайқал топган ана шу анъанани ривожлантириш, маҳалланин жамиятимиздаги ўрни ва аҳамиятини ошириш, уни том маънодаги оилавий бизнес марказига айлантириш кучли ижтимоий сиёсат юритиш тамойи-

лининг асосини ташкил этади. Ўтган давр мобайнида давлат ва жамият кўмагига муҳтож, кам таъминланган оилаларни маҳалла фуқаролар йиғинларининг ёрдами воситасида аниқлаш ва кўмак кўрсатишнинг самарали тизими ҳам жорий этилдики, бу ижтимоий ҳимоянинг манзилли амалга оширилиши ва ҳар қандай ёрдамнинг ўз эгаларига етиб боришни таъминламоқда.

2 >>>

Истиқлол туфайли мулкдор бўлдим

2010 ЙИЛИ ПРЕЗИДЕНТИМИЗ ИСЛОМ ҚАРИМОВНИНГ УЙИМИЗГА КИРИБ КЕЛГАНИ ГЎЁ КЕЧАГИДЕК ЭСИМДА. БУНДАЙ ҲАЯЖОНЛИ ДАҚИҚАЛАРНИ УНУТИ БЎЛМАЙДИ, АЛБАТТА. АХИР ДАВЛАТНИ БОШҚАРИШДЕК УЛКАН ИШЛАР БАРОБАРИДА ЮРТБОШИМИЗНИНГ ОДДИЙ ДЕҲҚОНЛАР, ҚИШЛОҚ АҲЛИНИНГ ТУРМУШ ШАРОИТЛАРИ БИЛАН ҚИЗИҚИШЛАРИ ЧЕКСИЗ ҒАМХЎРЛИКНИНГ АМАЛИЙ ИФОДАСИДИР

Давлатимиз раҳбари замонавий намунавий лойиҳалар асосида қурилган янги уйимиз билан танишгач, мени суҳбатга тортдилар. Меҳмонхона, ётоқхона, болалар хонаси, ошхонада яратилган қулайликларни сўзлаб бердим. Ота-буваларимиз бир дахлиз ва бир айвонли уйда яшаб ўтганларини, бундай шароитлар улар учун орзу-армон бўлганини айтдим. Ҳақиқатан бугун биз чексиз ғамхўрлик натижасида қурилган замонавий уйларда яшаймиз. Бу ерда вожа етаётган фарзандларимизнинг дунёқарashi ҳам ўзгача бўлади. Кейинги икки йилда туманимизда намунавий лойиҳалар асосида 140 та янги уй-жой қуриб битказилгани, яна шунча оила

шароити яхшиланди деганидир. Бу йил яна 56 та ана шундай уй қурилмоқда.

Уша учрашувда Юртбошимиз янги уйларнинг лойиҳасини янада такомиллаштириш масаласини қўйдилар. Уйларнинг шифтини баландроқ қўтариш, ҳовлини 4 сотихдан 6 сотихга кенгайтириш, автомашина турариган жой бўлиши лозимлигини таъкидладилар. Андижонда олиб борилган бунёдкорлик ва обodonчилик ишларига юксак баҳо бериб, «Мен илгари сурган гоёлар Андижонда изчил амалга оширилаётганидан хурсандман», деганларида бошимиз осмонга етди.



Асалхон РАСУЛОВА,
Андижон вилояти Олтинкўл туманидаги «Намуна гулшани» фермер хўжалиги раҳбари

2 >>>

БУГУНГИ СОНДА:

2011 ЙИЛНИНГ 1 ЧОРАГИДА
РЕСПУБЛИКА ФЕРМЕР
ХЎЖАЛИКЛАРИ УЮШМАСИ
ҲУЗУРИДАГИ ДЕҲҚОН ВА
ФЕРМЕР ХЎЖАЛИКЛАРИНИ
Қўллаб-қувватлаш
ЖАМҒАРМАСИ ТОМОНИДАН
ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИ
ТЕХНИКАЛАРИ ХАРИД ҚИЛИШ,
ЧОРВАЧИЛИКНИ
РИВОЖЛАНТИРИШ,
ИССИҚХОНАЛАР ҚУРИШ УЧУН
ДЕҲҚОН ВА ФЕРМЕР
ХЎЖАЛИКЛАРИГА 1 МЛРД. 215
МЛН. СЎМЛИК
МИКРОКРЕДИТЛАР
АЖРАТИЛДИ 02 >



«АГРИБАНК» — ЮРТ БОШҚАРИШ ВА ИРТУВУЧУЛИКНИ РИВОЖЛАНТИРИШ

Энг муносиблар сайланиши керак

ЖОРИЙ ЙИЛНИНГ МАЙ-ИЮНЬ ОЙЛАРИДА ЎТКАЗИЛАДИГАН
ФУҚАРОЛАР ЙИҒИНЛАРИ РАИСЛАРИ (ОҚСОҚОЛЛАРИ) ВА
УЛАРНИНГ МАСЛАҲАТЧИЛАРИ САЙЛОВИДА 10 МИНГГА ЯҚИН
МАҲАЛЛА ОҚСОҚОЛЛАРИ ВА УЛАРНИНГ
МАСЛАҲАТЧИЛАРИНИ САЙЛАШ КЎЗДА ТУТИЛМОҚДА

Маълумки, Ўзбекистонда фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органларини шакллантириш соҳасида шундай ноёб бир механизм яратилдики, унинг илдизлари халқ анъаналарига ва тарихан таркиб топган

жамоа муносабатлари бўлган маҳаллага бориб тақалади. Давлатчилигимиз тарихида «маҳалла» тунунчасининг Бош қомусимизга киритилиши эса унинг жамият бошқарувидаги ўрни ва мақоми нақадар катта аҳамиятга эга эканини ҳам

кўрсатади. Зеро, ўзини ўзи бошқариш органлари тизимини таркомиллаштириш фуқаролик жамиятини шакллантиришнинг шартигина бўлиб қолмай, унинг муҳим таркибий қисми ҳамдир.

2 >>>



Эффективный рост ваших капиталов

ЎЗБЕКISTОН РЕСПУБЛИКАСИ МАРКАЗИЙ БАНКИ 2011 ЙИЛ 12 АПРЕЛДАН БОШЛАБ ВАЛЮТА ОПЕРАЦИЯЛАРИ БЎЙИЧА БУХГАЛТЕРИЯ ҲИСОБИ, статистик ва бошқа ҳисоботларни юритиш, шунингдек, боғхона ва бошқа мажбурий тўловлар учун хоржий валюталарнинг сўмга нисбатан қуйидаги қийматини белгиледи:

1 Австралия доллари	↑ 1780,77
1 Англия фунт стерлинги	↑ 2759,94
1 Дания кронаси	↑ 326,99
1 БАА дирҳами	↑ 459,15

1 АҚШ доллари	↑ 1686,18
1 Миср фунти	↑ 282,73
1 Исландия кронаси	↑ 15,05
1 Канада доллари	↑ 1765,26

1 Ҳингй юани	↑ 257,98
1 Малайзия ринггити	↑ 558,52
1 Польша злотийси	↑ 617,33
1 СДР	↑ 2685,65

1 Туркия лираси	↑ 1116,82
1 Швейцария франки	↑ 1859,07
1 ЕВРО	↑ 2406,52
1 Жанубий Корея вон	↑ 15,55

1 Япония иенаси	↓ 199,15
1 Россия рубли	↓ 59,96
1 Украина гривнаси	↓ 211,71

Маҳаллани оилавий бизнес марказига айлантирайлик

Энг муносиблар сайланиши керак

Давоми. Бошланиши 1-саҳифада ◀◀

Қахрамон САЙДАЛИЕВ,
«XXI ASR»

O'zLiDeP фракцияси аъзоларининг фикрича, маҳалла институти орқали аҳолини аниқ йўналтирилган асосда ижтимоий қўллаб-қувватлаш кўп жиҳатдан ҳудудда хусусий тадбиркорлик ва оилавий бизнесни ривожлантиришга боғлиқдир. Негаки, тадбиркорликка дастлабки қадам айнан оилада, маҳалла миқёсида ташланади. Оилавий бизнес билан шуғулланаётган тадбиркорлар ўз оилаларидан ташқари шу ҳудудда истиқомат қилувчи бошқа фуқароларнинг ҳам ижтимоий манфаатларига хизмат қилади. Яъни маҳаллада ташкил этилган тадбиркорлик субъекти аҳоли учун қўлайликлар яратиш баробарида, уларни фойдали меҳнатга жалб этиш имкониятини ҳам кенгайтиради. Ана шу нуқтани назардан олиб қаралса, маҳалла кичик бизнеснинг ўзимизга хос миллий йўналиши — оилавий тадбиркорликни шакллантириш ва ривожлантириш учун энг қўлай маскан саналади. Унинг ҳуқуқий асосларини яратиш ва ижтимоий ҳаётга кенг жорий этиш масаласи Юртбошимиз томонидан ишлаб чиқилган «Мамлакатимизда демократик ислохотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш Концепцияси»да алоҳида тилга олинганининг боиси ҳам ана шунда.

бу ишларнинг ривожига туртки бери. Утган даврда эса ўзини ўзи бошқариш органлари ҳудудда кичик бизнесни ривожлантириш учун 50 миллиард сўмга яқин кредитлар ажратилгани маҳаллаларда оилавий бизнесни ривожлантириш орқали қўллаб-қувватлаш имконини бери. Бу борада O'zLiDePнинг барча даражадаги тузилмалари томонидан фақат 2010 йилнинг ўзигагина «Маҳалла» хайрия жамғармаси, Ўзбекистон Савдо-саноат палатаси, банк-молия муассасалари, солиқ идоралари ҳамда маҳаллий ҳокимият органлари билан ҳамкорликда 100 дан ортиқ тадбирлар ўтказилиб, уларда ҳам асосан кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ташкил этиш, янги иш ўринлари яратиш масалаларида асосий эътибор қаратилди.

— Бугун мамлакатимизда ўзини ўзи бошқариш органлари имкониятларидан кенг фойдаланишда, — деди фуқаролик жамиятини ўрганиш институти лойиҳа раҳбари Жума Чоршанбиев. — Утган даврда мазкур ижтимоий институтининг ҳуқуқий асослари мустақамлангани, ваколатларини кенгайтириш юзасидан изчил чора-тадбирлар қўрилгани ана шундай имкониятларни янада кенгайтирди.

Президентимиз томонидан ишлаб чиқилган Концепцияда эса оилавий бизнеснинг ҳуқуқий асоси-



ни белгилаш ва уни ривожлантириш имкониятлари янада кенгроқ изоҳлаб берилди. Хусусан, унда бундай бизнесни ташкил қилишнинг қонунчилик базаси яратилса, оилавий бизнеснинг ҳуқуқий кафолатларини кучайтириш, иқтисодиётнинг турли соҳаларида унинг жадал ривожланиши ҳамда янги иш ўринларининг очилишига туртки беришига алоҳида аҳамият қаратилди. Шундан келиб чиқиб, аҳолининг, ижтимоий ҳимоясини таъминлаш мақсадидан, бу ерда истиқомат қилувчиларни оилавий тадбиркорликка жалб қилишдан бошланади, дейиш мумкин.

Анжуман иштирокчиларининг фикрича, бугунги кунда жойларда фуқаро-

ларнинг энг долзарб муаммоларини ўз вақтида ва муваффақиятли ҳал этиш, улар манфаатини ҳимоя қилишда маҳалла тизимининг таъсири ва аҳамияти тобора ортиб бораётган бир шароитда, фуқаролар йиғинлари фаолларининг ташаббускорлиги ҳамда масъулиятини ошириш ҳам бугунги куннинг долзарб вазифаларидандир. Шу боисдан жорий йилнинг май-июнь ойларига ўтказилиши режалаштирилган фуқаролар йиғинлари раислари (оқсоқоллари) ва уларнинг маслаҳатчилари сайловини уюшқоқлик билан ўтказиш ҳамда энг муносиб номзодларни сайлаш мумкин сийёсий жараён ҳисобланади.

O'zLiDeP фракцияси

Президентимиз Ислам Каримов томонидан ишлаб чиқилган «Мамлакатимизда демократик ислохотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш Концепцияси»да алоҳида таъкидланганидек: «Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш институти — маҳалла фаолиятининг ташкилий асосларини янада такомиллаштириш, унинг вазифалар қўламини кенгайтириш, давлат ҳокимияти ва бошқарув органлари билан ўзаро яқин муносабатларини таъминлаш алоҳида долзарб аҳамият касб этмоқда».

Ҳақиқатан ҳам маҳалладаги соф миллийлик ва тарихийлик халқимизнинг ўзига хос қиёфасини кўрсатувчи



Адхам ШОДМОНОВ,
Олий Мажлис
Конунчилик
палатасидаги
O'zLiDeP фракцияси
аъзоси

Айни пайтда маҳалла илгари ҳудудий ҳокимият органлари ваколатидаги ижтимоий-иқтисодий характерга эга бўлган 30 дан зиёд функцияларни бажараётганини ҳам алоҳида таъкидлаш жоиз. Концепцияда белгилаб берилган устувор вазифаларни амалга ошириш жараёнида маҳалла аниқ йўналтирилган асосда аҳолини ижтимоий қўлла-

қувватлаш, хусусий тадбиркорлик ва оилавий бизнесни ривожлантириш, давлат бошқаруви органлари фаолияти юзасидан жамоатчилик назоратини олиб боришда ҳам муҳим аҳамият касб этмоқда.



Барчинова МАШАРИПОВА,
Олий Мажлис
Конунчилик
палатасидаги
O'zLiDeP фракцияси
аъзоси

Концепцияда бугун маҳаллалар аниқ йўналтирилган асосда аҳолини ижтимоий қўллаб-қувватлаш, хусусий тадбиркорлик ва оилавий бизнесни ривожлантириш, давлат бошқарув органлари фаолияти устидан жамоатчилик назоратини ўрнатиш масалаларида муҳим аҳамият касб этганлиги таъкидланиб, мазкур ижтимоий институти янада ривожлантириш бўйича зарурий кўрсатмалар берилди.

Ўзбекистон Либерал-демократик партияси Концепцияда илгари сурилган ғоялар асосида Олий Мажлис Конунчилик палатасидаги фракцияси аъзолари, маҳаллий кенгаш депутатлари, партия фаолларини ушбу жараёнда фаол иштирок этишини таъминлаш мақсадида тегишли чора-тадбирларни ишлаб чиқди. Зеро, O'zLiDeP оилавий бизнес, хусусий тадбиркорлик, ҳунармандчилик, касаначиликни ривожлантириш, янги иш ўринлари яратиш масалаларини маҳаллалар билан яқиндан ҳамкорликсиз амалга ошириб бўлмайдиган, деб ҳисоблайди.

Негаки, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органларининг мамлакатимизда демократик ислохотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш, жойлардаги ижтимоий-иқтисодий масалаларни ҳал этиш борасидаги роли тобора ортаётгани аниқ ҳақиқат. Шунинг учун фуқаролар йиғинлари раиси (оқсоқоли) ва унинг маслаҳатчилари сайловига энг муҳим ижтимоий-сийёсий таъкиднинг қаралмоқда. Маҳалла ноёб, бетакрор ижтимоий бошқарув идораси бўлганлиги сабабли унинг роли ва таъсирчанлигини ошириш сайлов жараёнлари билан ҳам ҳамандир.

Мухтасар қилиб айтганда, жорий йилнинг май-июнь ойларида бўлиб ўтадиган фуқаролар йиғинлари раислари (оқсоқоллари) ва уларнинг маслаҳатчилари энг муносиб фуқаролар орасидан сайланишини таъминлаш партияимиз барча тузилмаларининг устувор вазифасига айланиши керак.

Хулоса қилиб айтганда, тизимли равишда ўтказилаётган фуқаролар йиғини раиси (оқсоқоли) ва унинг маслаҳатчилари сайлови ҳақиқий демократия дархонаси бўлиб, аҳолининг ҳуқуқий оғни ва сийёсий маданияти ўсиб бораётганини кўрсатибгина қолмай, маҳалланинг жамиятдаги ўрни ва ролини оширишга хизмат қиладиган йўналишларни белгилаб олиш имконини яратди.

Семинарда, шунингдек, истиқлол йилларида маҳаллани оилавий бизнес марказига айлантиришда халқимизнинг бир неча минг йиллик анъана ва тажрибаларига таянганлиги аниқ пайтда республикамизнинг барча ҳудудларида оилавий тадбиркорлик билан шуғулланадиган бизнеснинг маълум бир турига ихтисослашган маҳаллалар сонини ортиб бораётгани ҳам алоҳида таъкидланди.



Зилолаҳон СОБИРОВА,
Олий Мажлис Конунчилик
палатаси депутати,
O'zLiDeP фракцияси аъзоси

— 1999 йилда қабул қилинган «Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари тўғрисида»ги қонуннинг 12-моддасида ҳам фуқаролар йиғини кенгайтириш ўз ҳудудда кичик корхона ва маиший хизмат кўрсатиш тармоқларини ташкил қилиб, аҳолини фойдали меҳнатга жалб этиш белгилаб қўйилган, — деди Олий Мажлис Конунчилик палатаси депутати, O'zLiDeP фракцияси аъзоси Насимжон Алимов. — Маҳалла аҳолисининг тадбиркорлик фаолиятини ривожлантириш учун минтақаларда нобанк кредит ташкилотлари фаолиятининг йўлга қўйилгани ҳам



Қахрамон ЭРҒАШЕВ,
Олий Мажлис Конунчилик
палатаси депутати,
O'zLiDeP фракцияси аъзоси

Реал мулкдорлар қатламнинг ўсиши — бу шаклланаётган фуқаролик жамиятининг зарур шарт ва таъини, муҳим индикатори, таъбир жоиз бўлса, мамлакатнинг кенг қамровли демократик ўзгаришлари янада чуқурлаштиришга тайёргилигининг кўрсаткичи, улар муқаррарлигининг кафолати ҳамдир. Айнан шунинг учун ҳам Юртбошимиз раҳномалигида мустақиллик йилларида бу йўналишда тизимли ва изчил чоралар амалга оширилди, жумладан, хусусий секторнинг эркин ва мустақил ривожланишини таъминловчи зарур ҳуқуқий майдон яратилди.

Изчиллик билан амалга оширилаётган ислохотлар натижаси ўлароқ, бугун мамлакат аграр секторига 80,6 мингдан зиёд фермер хўжаликлари ташкил этилиб, уларда 1,6 млн.дан ортиқ киши меҳнат қилмоқда. 2010 йилнинг ўзигагина кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик, фермерликни ривожлантириш орқали мамлакат миқёсида 480 минг янги иш ўрни яратилди, уларнинг 60 фоиздан зиёди эса қишлоқ жойларига тўғри келди. Бу эса чекка ҳудудларда ҳам оилавий бизнес ривожланиб бораётганини кўрсатади, албатта.

Концепцияда белгилаб берилган вазифаларни амалга ошириш маҳалланинг хусусий тадбиркорлик ва оилавий бизнесни ривожлантириш соҳасида муҳим мавқени эгаллашига хизмат қилади. Булар фуқаролик жамиятини шакллантиришнинг икки фундаментал жиҳати, яъни мулкдорлар қатламини кенгайтириш ва ўзини ўзи бошқариш институти билан ҳамкорликни янада мустақамлашга қаратилган вазифани ўзаро уйғунлаштиради. Бизнингча, ишлаб чиқиладиган янги қонунда тадбиркорлик фаолияти жараёнида шаклланадиган оилавий муносабатларнинг барча ҳуқуқий жиҳатлари, оиланинг алоҳида ижтимоий тузилма сифатидаги ўзига хос хусусиятлари, иш юритилишининг тарихий анъана ва кўникмалари ҳамда мазкур соҳада юзага келган муносабатлар ҳисобга олиниши зарур. Бунда оилага иқтисодий муносабатлар субъекти сифатида қаралиб, ҳамкорликнинг янги конструктиваси, яъни оила аъзолари, оилавий бизнес раҳбари ва оиланинг ўзи ягона бўлиб сифатида шаклланади. Яъни оилавий манфаатлар пировард натижада уюшқоқликка, аниқ мақсад механизмни ишлаб чиқишга олиб келади, албатта. Ўзаро иқтисодий муносабатлар алоҳида аъзолар — бизнес иштирокчилари савий-ҳаракатларини ягона мақсад сари йўналтириб, тадбиркорлик фаолиятини ташкил қилиш имконини беради. Бунга бошқаларни мажбурлаш ёки уларнинг ҳуқуқларини чеклаш орқали эмас, балки оила аъзолари дунёқарашини ва маънавий қадриятларини асосида эришилади.

Истиқлол туфайли мулкдор бўлдим

Давоми. Бошланиши 1-саҳифада ◀◀

Ана шу ташрифдан сўнг Президентимизнинг «Андижон вилояти турар-жой массивларининг коммунал инфратузилмасини жалал ривожлантириш бўйича 2011-2015 йилларга мўлжалланган чора-тадбирлар тўғрисида»ги қарори қабул қилиниб, вилоятимизни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш учун 1 триллион 696 миллиард сўм сарфлангани кўзда тутилди.

Бундан 20 йил илгари Олтинқўл туманида бирон-та ҳам йирик ишлаб чиқариш корхонаси, ҳаттоки пахта заводи ҳам йўқ эди. Бугунчи? Кейинги 1,5 йилдагина фойдаланишга топширилган корхоналар сонини йиғирмадан ошиб кетди.

Хусусан, Олтинқўл савдо ишлаб чиқариш акциядорлик жамияти қошида қилинган нон ҳамда «Дилгирбек келажак умиди» фермер хўжалигида сутни

қайта ишлаш цехи ишга туширилди. Бундан ташқари, туманда 3 та паррандачилик, 2 та асаларчилик ва 3 та иссиқхона ташкил этилди. Маҳаллийлаштириш дастурига кўра «UDM» МЧЖ томонидан эса 210 млн. сўмлик маҳсулот ишлаб чиқарилди.

Ҳозир туманимизда «Сув юлдуз текстиль» илгарила корхонаси, «Андижон чарм» МЧЖ, «Олтинқўл текстиль» акциядорлик жамияти, бир неча гишт заводи ишлаб турибди. Яқинда «Кезар» МЧЖда цемент ишлаб чиқариш йўлга қўйилди. «Кезар текс», «Имкон саноат текстиль» МЧЖларида тикуччилик маҳсулотлари тайёрланмоқда. «Эталон плюс» МЧЖда автомобилларга бутловчи қисмлар йиғилмоқда. Тумандаги собиқ машина-трактор паркни фаолиятини ривожлантириш

мақсадида «Автотехизмат» АЖ, «МТП», «Алоқабанк» таъсисчилигида «Агротехсервис» МЧЖ ташкил этилди. Бу ерда қишлоқ хўжалиги техникаларини таъмирлаш, эҳтиёт қисмлар дўқони, чилангарлик, пайвандалаш, сув нарсоларини таъмирлаш ус-тахоналари, мой алмаштириш ва енгил автомобилларга техник хизмат кўрсатиш шохобчалари очилди.

Юртбошимиз раҳномалигида амалга оширилган ислохотлар шаҳар ва қишлоқларимизнинг обод ва кўркам бўлишига, халқимизнинг турмуш фаровонлиги ортишига олиб келмоқда. Бундай гамхўрлик бизни Ватан истиқболни йўлида янада самарали меҳнат қилишга ундайди, албатта. Масалан, ўтган йили фермер хўжалигини миқёсида 69,3 центнердан дон, 37 центнердан пахта

ҳосили етиштирилди. Дондан 17 млн. 400 минг сўм, пахтадан 12 млн. сўм соф фойда олдик. Ер ўзимизники, даромад ҳам ўзимизники экан, ишлаб чарчамаймиз.

Мен мулк эгасиман. Авваллари, ўзининг тракторига эга бўлиш лелҳонининг хаёлига ҳам келмаганди. Энди эса қишлоқ аҳолисининг даласида трактори, уйда эса қўша-қўша автомашиналари турибди. Буларнинг барчаси, Президентимиз раҳномалигида олиб борилаётган ислохотлар самараси, албатта.

Юртбошимизнинг ўтган ҳафта матбуотда эълон қилинган мустақиллигимизнинг 20 йиллигини нишонлашга тайёргарлик кўриш тўғрисидаги қарори эса аниқса, биз тадбиркорларга эришилган натижаларини янада мустақамлаш, салмоғини

оширишга сафарбар этади. Чунки айнан ўрта қатлам вакиллари истиқлол туфайли пайдо бўлганини биз биламиз ва бу ҳаётий ҳақиқат эканини кўпроқ тарғиб қилишимиз, юртдошларимизни шу соҳага кўпроқ жалб этишимиз лозим. Айтмоқчиманки, энг аввало, истиқлол моҳиятини ўз фаолиятида, ҳаётида англаб етган кишигина унинг қандай неъмат эканини кўпроқ ҳис этади. Зеро, мустақиллик инсон эрки, шаъни ва қадр-қимматининг кафолати сифатида бугун ҳаётимизнинг барча жабҳаларида улкан ўзгаришларга сабаб бўлмоқда. Ана шу янгилашлар жараёнида мулкдорлар сафида туриб она Ватаним — Ўзбекистоннинг равнақи-га оз бўлса-да, ҳисса қўшаётганимдан бахтиёрман.

Партия, уюшма ва фонд ўрта қатламни қўллаб-қувватламоқда

2011 ЙИЛНИНГ I ЧОРАГИДА РЕСПУБЛИКА ФЕРМЕР ХЎЖАЛИКЛАРИ УЮШМАСИ ХУЗУРИДАГИ ДЕХҚОН ВА ФЕРМЕР ХЎЖАЛИКЛАРИНИ ҚўЛЛАБ-ҚУВВАТЛАШ ЖАМҒАРМАСИ ТОМОНИДАН ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИ ТЕХНИКАЛАРИ ХАРИД ҚИЛИШ, ЧОРВАЧИЛИКНИ РИВОЖЛАНТИРИШ, ИССИҚХОНАЛАР ҚУРИШ УЧУН ДЕХҚОН ВА ФЕРМЕР ХЎЖАЛИКЛАРИГА 1 МЛРД. 215 МЛН. СЎМЛИК МИКРОКРЕДИТЛАР АЖРАТИЛДИ

Ўз мухбиримиз

Бундан ташқари, уюшма таркибидagi муассасалар томонидан 378 та фермер хўжалигига 310,3 млн. сўмлик консалтинг, 395 та фермер хўжалигига 19,5 млн. сўмлик юридик, 538 фермерга 69 млн. сўмлик брокерлик хизматлари кўрсатилди.

Ҳисобот даврида уюшманинг Тошкент вилояти филиали 15 та асаларчилик, 18 та балчиқчилик, 9 та паррандачилик фермер хўжаликларини ташкил қилишда амалий ёрдам кўрсатди. Чорвачилик маҳсулотларини қайта ишлашга мўлжалланган 8 та фермер хўжалигида эса минортехнологиялар ишга туширилиши натижасида 28 та янги иш ўрни яратилди.

Маълумки, вилоятдаги фермер хўжаликларининг 2833 таси пахта ва галла етиштиришга, 1809 таси бөгдорчиликка, 650 таси савобот ва поллиз, 539 таси чорвачиликка, қолган 220 таси эса бошқа соҳаларга ихтисослашган бўлиб, уларда 145 минг нафар аҳоли иш билан банд.

Таъкидлаш керакки, фермерларга қўлай шароитлар яратилгани, хусусан, молиявий ресурслар таъминотининг ижобий ҳал этилиши уларнинг ерга бўлган муносабатини тубдан ўзгартирди.

Тошкент вилоятида давлат эҳтиёжлари учун маҳсулот етиштирувчи фермер хўжаликларига ёнгилик-мойлаш материал-

лари ва минерал ўғитларнинг ўз вақтида етказиб берилаётгани ҳам фермерлар фаолиятини ривожлантиришда муҳим омил бўлаяпти. Бу эса уюшма ва фермер хўжаликлари ўртасидаги ишончли мустақамлашга хизмат қилаяпти. Шунинг учун ҳам ўтган давр мобайнида уюшманинг вилоят филиали ҳамда туман ташкилотлари томонидан 5346 та фермер хўжалиги билан аъзолик шартномаси имзоланди. Бунда, асосий эътибор вилоятнинг энг олис ва деҳқончилик қилиш мураккаб бўлган туманларидаги фермерларга қаратилаяпти.

Фермер хўжаликлари уюшмаси билан имзоланган Бош битим асосида фаолият юритаётган O'zLiDeP эса, ўз навбатида, қишлоқ мулкдорларининг ҳуқуқий билминларини ошириш, уларга қонунчиликни такомиллаштириш орқали амалий кўмак бермоқда. Аниқса, жойларда қишлоқ мулкдорлари билан маҳаллий кенгашлар депутатларининг ҳамкорлиги яқини самара бераяпти. Хусусан, яқинда партия фаоллари уюшма билан ҳамкорликда «Фермерлик: устувор вазифа, муносабат ва ёнашув» мавзусида очик мулоқот ўтказиб, уюшманинг ҳудудий филиаллари раҳбарлари, нодавлат нотижорат ташкилотлари, партия фракцияси аъзолари ҳамда маҳаллий депутатлик гуруҳлари иштирокчида фермер хўжаликлари фаолиятини билан боғлиқ долзарб масалаларни батафсил муҳокама қилдилар.

айлантириш жараёнларини тезлаштиради.

Хулоса қилиб айтганда, тизимли равишда ўтказилаётган фуқаролар йиғини раиси (оқсоқоли) ва унинг маслаҳатчилари сайлови ҳақиқий демократия дархонаси бўлиб, аҳолининг ҳуқуқий оғни ва сийёсий маданияти ўсиб бораётганини кўрсатибгина қолмай, маҳалланинг жамиятдаги ўрни ва ролини оширишга хизмат қиладиган йўналишларни белгилаб олиш имконини яратди.

КОНЦЕПЦИЯ

Юксак ҳуқуқий маданият — демократик жамият пойдевори ва ҳуқуқий тизимнинг етуқлик кўрсаткичидир



2011 йилнинг "Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик йили" деб эълон қилиниши муносабати билан ўз фаолиятимизни танқидий-таҳлилий жиҳатдан қайта кўриб чиқиб, бугунги кун талабларига мослаштиришга киришдик.

Учрашувда муҳим қонунга мувофиқ парламентга, хусусан, сиёсий партияларга жуда катта ваколатлар берилётгани алоҳида таъкидланди.

«Ҳабеас корпус» институтининг амалиётга татбиқ этилиши инсоннинг конституциявий ҳуқуқ ва эркинликлари, унинг дахлсизлигини ҳимоя қилишнинг муҳим омилдир.

15 (387)-СОН

2011 йил 14 апрел, пайшанба

e-mail: axborotXXlasr@yahoo.com



Ҳаммаси қонундан бошланади

“МАМЛАКАТИМИЗДА ДЕМОКРАТИК ИСЛОҲОТЛАРНИ ЯНАДА ЧУҚУРЛАШТИРИШ ВА ФУҚАРОЛИК ЖАМИЯТИНИ РИВОЖЛАНТИРИШ КОНЦЕПЦИЯСИ”ДА БЕЛГИЛАБ БЕРИЛГАН УСТУВОР ВАЗИФАЛАР ВА ИЛГАРИ СУРИЛГАН ҒОЯЛАР КИЧИК БИЗНЕС ҲАМДА ХУСУСИЙ ТАДБИРКОРЛИКНИ РИВОЖЛАНТИРИШНИ ЯНГИ ҲАМДА КЎТАРИШ, ХУСУСИЙ МУЛК ҲИМОЯСИНИ МУСТАҲКАМЛАШ, МУЛКДОР ЎЗ МУЛКИНИНГ ДАХЛСИЗЛИГИГА АСЛО ШУБҲА ҚИЛМАСЛИГИНИ ТАЪМИНЛАЙДИГАН ИШОНЧЛИ КАФОЛАТЛАР ТИЗИМИНИ ЯРАТИШ БОРАСИДА ПАРЛАМЕНТ ЗИММАСИГА ЖУДА КАТТА ВАЗИФАЛАР ЮКЛАЙДИ, АЛБАТТА

Кобилжон ТОШМАТОВ, Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутаты, O'zLiDeP фракцияси аъзоси

Ушбу масалаларга Юртбошимизнинг Конституциямиз қабул қилинганлигининг 18 йиллигига бағишланган тантанали йиғилишдаги нутқи ва “Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик йили” Давлат дастури тўғрисидаги қарорда ҳам алоҳида эътибор қаратилди.

Таъкидлаш лозимки, ушбу ҳужжатлар нафақат давлат идоралари, балки юртимизда фаолият кўрсатаётган ННТлар, сиёсий партиялар, айниқса, тадбиркор ва ишбилармонлар манфаатини ҳимоя қилаётган O'zLiDeP зиммасига ҳам алоҳида масъулият юклайди.

Оқордаги талаблардан келиб чиққан ҳолда фракциямиз аъзолари демократик бозор ислоҳотларини ва иқтисодийни либераллаштиришни янада чуқурлаштиришга қаратилган туркум қонун ҳужжатларини ишлаб чиқиш ҳамда қабул қилишда фаол иштирок этмоқдалар.

Хусусан, молия-банк тизими янада мустаҳкамлаш орқали иқтисодий тизимнинг юқори ўсиш суръатларини таъминлашга қаратилган «Хусусий банк ва молия институти ва улар фаолиятининг кафолатлари тўғрисида», «Кредит ахбороти алмашинуви тўғрисида»-ги ҳамда «Гаров реестри тўғрисида» қонунлар лойиҳаси шулар жумласидандир.

Таъкидлаш жоизки, замонавий бозор инфратузилмасини шакллантиришда молия-банк тизимининг ўрни ниҳоятда муҳим бўлиб, унинг ҳуқуқий жиҳатдан мустаҳкамлигини таъминлашда «Ўзбекистон Республикаси Марказий банки тўғрисида», «Банклар ва банк фаолияти тўғрисида», «Кредит уюшмалари тўғрисида», «Ипотека тўғрисида», «Истеъмол кредити тўғрисида»,

“Микромолиялаш тўғрисида”, “Микрокредит ташкилотлари тўғрисида”-ги бир қатор қонунларнинг қабул қилиниши мамлакатимизда амалга ошириладиган кенг қўламли ислоҳотлар даврида алоҳида аҳамият касб этади.

Мустақиллик йилларида республика молия-банк тизимини ислоҳ қилиш, банклар фаолиятини ва бутун молия-банк тизимини тубдан ўзгартириш, ушбу тизим фаолиятини халқроқ меъёр, андоза ва баҳолаш кўрсаткичларига мувофиқ янада юқори даражага кўтаришни таъминлашга катта эътибор қаратилди. Жумладан, банклар фаолиятини ривожлантириш ва уларнинг асосий кўрсаткичларини етакчи халқаро рейтинг компаниялари меъзолига етказиш борасида тизимли ва изчил ишлар халқаро рейтинг агентликларига томонидан ҳам эътироф этилмоқда. “Мудис” халқаро рейтинг агентлиги томонидан Ўзбекистон банк тизимининг ривожланиш прогнози “Баркарор” даражада баҳолангани ҳам бунга мисолдир.

Бугун республикада фаолият кўрсатаётган 31 та банкнинг 3 таси давлат-тижорат банки, 13 таси акциядорлик-тижорат, 10 таси хусусий ва 5 таси чет эл капитални иштирокчидаги банклар бўлиб, уларнинг филиаллари сон 810 тага етди.

Айни пайтда тижорат банклари билан бир қаторда, микромолиявий хизматлар кўрсатувчи кредит уюшмалари, микрокредит тузилмалари ва ломбардлар каби нобанк кредит ташкилотлари ҳам иқтисодий ислоҳотларнинг фаол иштирокчисига айландилар. 2011 йил 1 январь ҳолатига кўра республикада жами 209 та нобанк кредит ташкилоти, хусусан, 116 та кредит уюшмаси, 35 та микрокредит ташкилоти ва 58 та ломбард фаолият юрятапти. Улар кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожлантириш,

ишлаб чиқаришни маҳаллийлаштириш ҳамда касаначиликни қўллаб-қувватлаш орқали аҳоли бандлигини таъминлаш, бозорларимизни истеъмол маҳсулотлари билан тўлдаришга муносиб ҳисса қўшмоқдалар.

Шунинг алоҳида таъкидлаш зарурки, давлатимиз раҳбари томонидан белгилаб берилган иқтисодий тараққиётнинг стратегик йўли O'zLiDePнинг давлат тизимини тубдан ўзгартириш ҳамда қўллаб-қувватлашга қаратилган “Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик йили” деб эълон қилиниши муносабати билан ўз фаолиятимизни танқидий-таҳлилий жиҳатдан қайта кўриб чиқиб, бугунги кун талабларига мослаштиришга киришдик. Хусусан, фракция аъзолари молия-банк тизими кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларига кредитлар, шу жумладан, микрокредитлар ажратиш механизмларини такомиллаштириш ва янада соддалаштириш, оилавий бизнесни ривожлантириш, бошланғич капитал ҳамда ишлаб чиқаришни модернизация қилиш мақсадида узоқ ва ўрта муддатли кредитларни ажратиш механизми қайта кўриб чиқишда фаол иштирок этаётган. Чунки айни куннинг энг долзарб вазифаси бу, шубҳасиз, ўрта синф вакилларини ҳар томонлама қўллаб-қувватлашдан иборатдир.

Зеро, бугун мамлакатда амалга ошириладиган изчил ислоҳотлар натижасида банк-молия тизимини янада мустаҳкамлаш орқали янги иш ўринлари яратиш, бандлик муаммосини ҳал этиш, аҳоли даромадларини оширишда тобора муҳим ўрин эгаллаётган кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни янада ривожлантириш мумкин бўлади. Бу соҳанинг рағбатлантирилиши ва қўллаб-қувватланиши эса аҳоли турмуш даражасини оширишнинг энг муҳим шартларидан биридир.

Илхом НАСРИЕВ, Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутаты, O'zLiDeP фракцияси аъзоси

Маълумки, истиқлолнинг дастлабки даврлариданоқ мустақил ҳокимият тармоғи бўлган суд ҳокимияти дахлсизлиги ва эркинлигини таъминлашга алоҳида эътибор қаратилгани, суд-ҳуқуқ тизимини босқичма-босқич эркинлаштириш ва демократлаштиришнинг ҳуқуқий асослари яратилгани бу соҳада олиб бориладиган ислоҳотларни изчил ва тадрижий амалга ошириш имконини берди.

Бу борада, энг аввало, жаҳон тажрибаларини инобатга олган ҳолда мамлакатимизда илк бор Конституциявий суд таъсис этилганини таъкидлаш жоиз. Иккинчидан, туман, шаҳар ва вилоят судлари судьяларининг ўз лавозимларига бевосита давлат раҳбари томонидан тайинланиши, Ўзбекистон Республикаси Олий суди судьяларининг эса Президент тавсиясига кўра Олий Мажлис Сенати томонидан сайланиши Ўзбекистонда энг демократик тамойилларга амал қилинаётганидан далolatдир. Учинчидан, илгари жиноят ишлари ҳам, фуқаролик ишлари ҳам бир тоифадаги судлар томонидан қўрилиши оқибатида турли ноаниқликларни, суд хатolikларини келтириб чиқариб, одил судлов сифатига салбий таъсир кўрсатган бўлса, судларнинг ихтисослашуви натижасида жойларда жиноят ва фуқаролик ишлари бўйича алоҳида судлар ташкил этилди. Тўртинчидан, ҳўжалик муносабатларида қонунчиликни таъминлашда муҳим роль ўйнаётган ҳўжалик судлари тизими яратилиб, суд ишларини апелляция ва касса-

ция тартибда кўриб чиқиш институти жорий этилди.

Бешинчидан, ундан ортқ кодекслар, хусусан, Ўзбекистон Республикасининг “Судлар тўғрисида”, “Фуқароларнинг ҳуқуқлари ва эркинликларини бузганидан ҳагги-ҳаракатлар ва қарорлар устидан судга шикоят қилиш тўғрисида”, “Фуқароларнинг муносабатлари тўғрисида”, “Адвокатлар фаолиятининг кафолатлари ва адвокатларнинг ижтимоий ҳимояси тўғрисида”-ги қонунлар ҳамда фуқаролар ва юридик шахсларнинг ҳуқуқ-манфаатларини суд орқали ҳимоя қилиш суд тизимини демократлаштиришга қаратилган қатор қонунлар қабул қилиндики, бу истиқлол йилларида Ўзбекистонда инсон ҳуқуқ ва манфаатлари йўлидаги муҳим қадамлар сифатида бежиз баҳоланмаётти. Олтинчидан эса янги таҳрирда қабул қилинган “Судлар тўғрисида”-ги Ўзбекистон Республикаси қонуни суд тизимини тубдан ислоҳ қилишда муҳим босқич бўлганини эътироф этиш керак. Мазкур қонунга мувофиқ судьялик лавозимларига номзодларни тавсия этиш, улар ваколатини тўхатиш ва муддатдан илгари тугатиш ҳақида тақдирнома киритиш Адлия вазирлиги ваколатидан чиқарилиб, Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги судьяларни тавсия ва лавозимларига тавсия этиш бўйича олий маляка комиссияси ихтиёрига берилди.

2001 йилнинг 29 августда қабул қилинган “Жиноий жазоларнинг либераллаштирилиши муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг Жиноят, Жиноят-процессуал ҳамда Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш ҳақида”-ги қонунга кўра, жиноий ишлари бўйича алоҳида судлар ташкил этилди. Тўртинчидан, ҳўжалик муносабатларида қонунчиликни таъминлашда муҳим роль ўйнаётган ҳўжалик судлари тизими яратилиб, суд ишларини апелляция ва касса-

оғир бўлмаган жиноятлар тоифасига, 7 турдаги жиноятлар ўта оғир жиноятлар тоифасидан оғир жиноятлар тоифасига ўтказилди.

Шубҳасиз, бундай ўзгаришлар Ўзбекистоннинг халқро микёсдаги обрў-эътиборини янада мустаҳкамлаганини ҳориклик ҳамкасбларимиз ҳам алоҳида эътироф этаётган. Шу ўринда қўшимча жазо тури сифатида мол-мулкни мусодара қилиш нормаси чиқариб ташланганини, бу муқдорларга нисбатан инсоний муносабатда бўлишнинг ёрқин ифодаси эканини ҳам алоҳида таъкидлаш лозим. Биринчи марта жиноят ишларини судда кўриш амалиётига “Ярашганлиги муносабати билан жиноий жавобгарликдан озод этиш” институти киритилиб, бундай чора ўз-ўзидан ижтимоий ҳавфи катта бўлмаган жиноятларнинг 26 тури бўйича қўлланилиши мумкинлиги белгиланди.

2005 йилнинг 1 августда “Ўзбекистон Республикасида ўлим жазосини бекор қилиш тўғрисида” ҳамда 2005 йил 8 августда “Қамоққа олишга санкция қўйиш ҳуқуқини судларга ўтказиш тўғрисида”-ги Ўзбекистон Республикаси Президенти Фармонлари билан бекор қилинган фуқароларга ўзгариш ва қўшимчалар киритилгани натижасида мамлакатда ўлим жазоси бекор қилинди. Бундай ислоҳот Ўзбекистонда яшаш ҳуқуқининг инсоннинг ажралмас узвий ҳуқуқини тўғрисидаги конституциявий норманинг амал қилиниши таъминлашдек ўлим мақсадини ўз олдига қўяди.

Қонунда умрбод озодликдан маҳрум қилиш факуллода жазо чораси эканининг белгиланилиши, бу жазони жавобгарликни оғирлаштирадиган ҳолатларга қасдан одам ўлдирish ва терроризм жиноятини содир этганлик учунгина тайинланиши мумкинлиги, у аёл кишига, 18 ёшга тулмаган жиноят содир этган шахсга ва 60 ёшдан ошган эркакларга нисбатан, шунингдек, тамом бўлмаган жиноятлар учун тайинланиши мумкин эмаслиги мустаҳкамлаб қўйилганлиги бу жазо чорасини

қўллаш имкониятларини кескин чекталди.

2008 йилдан эҳтиёт чораси сифатида қамоққа олишга санкция берилиш ҳуқуқини прокурордан судга ўтказилгани, жиноят-процессуал қонунчилигимизга киритилган ўзгаришларга мувофиқ тергов ва шахсни қамоққа сақлаш муддатлари қисқартirilганини ҳам энг муҳим янгилик сифатида тилга олиш мумкин. Чунки қамоққа олиш тартибидagi эҳтиёт чорасини суд тартибидa қўллаш суд мажлисида тарғиб қилишнинг тортишуви ва тенглиги принципларига мувофиқ амалга оширилиб, қамоққа олинадиган фуқароларнинг адолатли суд муҳокама-сига бўлган ҳуқуқларини рўёбга чиқаради. Қамоққа олиш тартибидagi эҳтиёт чорасини қўллаш ва қамоққа сақлаш муддатини узайтириш асослари ҳамда процессуал тартиб қонунда қатий белгилан қўйилгани эса бу жараёнда инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилиш кафолатларини янада мустаҳкамлайди.

Агар Юртбошимиз томонидан ишлаб чиқилган Концепциянинг мазмун-моҳиятига чуқурроқ эътибор қаратсак, суд-ҳуқуқ тизимини ислоҳ қилиш ва либераллаштиришнинг бугунги кундаги устувор вазифаларига, хусусан, судга қадар иш юритув босқичида қўлланиладиган лавозимдан четлатиш ва шахсни тиббий муассасага жойлаштириш тартибидagi процессуал мажбурият чораларини фақат судьянинг санкцияси асосида қўллаш тартибининг жорий этилиши суриштирув ва дастлабки тергов жараёнида суд назоратини кучайтириш, жиноят процессида «Ҳабеас корпус» институтини қўллаш соҳасини кенгайтириш имконини беради. Бундай ўзгаришнинг муҳим жиҳати шундаки, у фуқароларнинг Конституция ва қонунларга мустаҳкамлаб қўйилган ҳуқуқ ва эркинликларини дахлсиз экани, уларни суд қарорисиз озодликдан маҳрум этиш ёки ҳуқуқларини чеклашга ҳеч қим ҳақли эмаслиги тўғрисидаги қонуннинг амалдаги тантанасини таъминлайди.

Шунингдек, Концепцияда суднинг жиноят ишини кўзга-тишга доир ваколатлари Ўзбекистон Республикаси Жиноят-процессуал кодексининг 439-моддасига ўзгариш киритиш ва унга мувофиқ биринчи инстанция судида иш бўйича айблов ҳулосасини ўқиб эшиттириш мажбуриятини фақат прокурор зиммасига юклагани назарда тутилган норманинг ўрнатилиши кўзда тутилмоқда. Чунки жиноят-процессуал кодексига прокурорнинг айблов ҳулосасини ўқиб эшиттириш мажбуриятини аниқ белгиланмагани сабабли бугун айблов ҳулосаси судьялар томонидан ўқиб эшиттирилмоқда. Албатта, бу ҳолат одил судловни амалга оширувчи суд органларининг вазифа ва мақсадларига мутлақо тўғри келмайд.

Суд-ҳуқуқ соҳасидаги ислоҳотларни янада чуқурлаштиришдан кўзда тутилган асосий мақсад фуқаролик жамиятини ривожлантира бориб, инсон ҳуқуқларини самарали ҳимоя қилишнинг кафолатли сифатида суд ҳокимиятининг мустақиллигини таъминлаш, унинг нуфузини ошириш ва мустаҳкамлаш, пировард натижада фуқароларнинг адолатли суд билан боғлиқ ҳуқуқларини тўла рўёбга чиқаришдан иборатдир.

Депутат сайловчилар билан учрашди

O'ZLIDER СИЁСИЙ КЕНГАШИ ИЖРОИЯ ҚЎМИТАСИ РАИСИ ЎРИНБОСАРИ, ХАЛҚ ДЕПУТАТЛАРИ ТОШКЕНТ ШАҲАР КЕНГАШИ ДЕПУТАТИ МУХЛИСА АКРАМОВА САЙЛОВЧИЛАР БИЛАН НАВБАТДАГИ УЧРАШУВИНИ ҲАМЗА ТУМАНИДАГИ «МУСТАКИЛЛИК», «ИСТИҚЛОЛ», «ДЎСТЛИК», «МАШИНАСОЗЛАР», ШАРОФ РАШИДОВ, МИРЗО УЛУҒБЕК, МАХМУР, «УМИД» МАҲАЛЛАЛАРИ ФАОЛЛАРИ, ЁШЛАР ВА АЁЛЛАР БИЛАН ЎТКАЗДИ

Тадбирда асосий эътибор Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлис Сенатининг бешинчи ялпи мажлисида маъқулланган «Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг айрим моддаларига ўзгариш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида» (78, 80, 93, 96 ва 98-моддаларига) -ги қонуннинг мазмун-моҳиятига қаратилди.

— Юртбошимиз Ислам Каримовнинг “Мамлакатимизда демократик ислоҳотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш Концепцияси” мавзусидаги маърузасида белгиланган вазифалар ва илгари сурилган гоёлар тараққиётимизнинг янги босқичини бошлаб бергани билан ҳам ниҳоятда муҳимдир, — деди депу-

тат ўз сўзида. — Президентимиз ташаббуси билан ишлаб чиқилган мазкур қонун юртимизда олиб бориладиган кенг қўламли ислоҳотларнинг тадрижий давоми бўлиб, ундаги барча моддалар миллий давлатчилигимиз негизларини мустаҳкамлаш, жамиятимизни демократлаштириш ва либераллаштириш, айниқса, бу жараёнларда сиёсий партияларнинг ролинини оширишга қаратилган.

Учрашувда ана шу муҳим қонунга мувофиқ парламентга, хусусан, сиёсий партияларга жуда катта ваколатлар берилгани, энди Бош вазир номзодини кўрсатиш ваколати Олий Мажлиснинг Қонунчилик палатасида энг кўп депутатлик ўринларини эгаллаган сиёсий партияга тегиш билан бир ваколатли депутатлик ўринларини қўлга киритган бир нечта сиёсий парти-


ялар томонидан кўрсатилиши уларнинг зиммасига жуда катта масъулият юклагани алоҳида таъкидланди.

Шунингдек, тадбирда сайловчиларга суд-ҳуқуқ тизимидagi ўзгаришлар, тадбиркорлар учун яратилган имтиёз ва кафолатлар тизими хусусида ҳам атрафлича маълумотлар берилди. Икки кун давом этган учрашувларда сайловчиларни қизиқтирадиган яна қўлаб масалалар, депутатлар иштирокида ҳал қилиниши лозим бўлган ҳудудий муаммоларга ҳам муносабат билдирилди.

Учрашувда мавзуга доир маълумотлар тўплами тарқатилиб, бундай тадбирларни сайлов округидаги ҳар бир маҳаллада ўтказишга келишиб олинди.

Инновация

АНДИЖОН ВИЛОЯТ ҲОКИМЛИГИ ТАШАББУСИ БИЛАН ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИ ҲУЗУРИДАГИ ФАН ВА ТЕХНОЛОГИЯЛАРНИ РИВОЖЛАНТИРИШНИ МУВОФИҚЛАШТИРИШ КҮМИТАСИ ҲАМДА ФАНЛАР АКАДЕМИЯСИ ҲАМКОРЛИГИДА ТАШКИЛ ЭТИЛГАН «ИННОВАЦИОН ҒОЯЛАР, ТЕХНОЛОГИЯЛАР, ИШЛАНМАЛАР — ИШЛАБ ЧИҚАРИШГА!» МАВЗУИДАГИ ИЛМИЙ-АМАЛИЙ КЎРГАЗМА-СЕМИНАРДА 200 НАФАРДАН ЗИЁД ОЛИМ ВА МУТАХАССИСЛАР 300 ДАН ОРТИҚ ИШЛАНМАЛАРИ БИЛАН ҚАТНАШИШГАНИ ВОҲАДА БУ СОҲАГА АЛОҲИДА ЭЪТИБОР ҚАРАТИЛАЁТГАНИДАН ДАЛОЛАТДИР



Илҳомжон ЭГАМНАЗАРОВ,
«XXI ASR»

— Ўзбекистон табиий тоғалар илмий-тадқиқот институти томонидан фермер хўжаликлари ва уй шароитида фойдаланишга мўлжаллаб ишланган пилла чувиш дастгоҳининг

янги конструкцияси менга жуда маъқул бўлди. — деди Олтинқул туманидаги «Мавжуд замин ҳосили» фермер хўжалиги раҳбари Мавжудохон Омонова. — Айниқса, ҳар бир килограмм хом ипак ишлаб чиқаришда 5,4 кВт. электр энергиясининг тежалиши менда катта қизиқиш уйғотди.

— Қорамоллар наслини яхшилаш учун эмбрионларни кўчириб ўтказиш технологияси ҳам кўпчилик эътиборини тортди. — дейди ветеринария фанлари номзоди Абдусалом Усмонов. — «ЭКУ» тўлиқ йўлга қўйилса, соҳада наслчилик бўйича туб бурилишга эришишни аниқ. Тадбирда Тошкент дав-

лат аграр университети мутахассислари интродукция қилинаётган ипак курти зотлари ва дурагайларини Ўзбекистон иқлим шароити ва озукасига мослаштириш бўйича илмий ишланмаларни тақдим этдилар.

Тошкент автомобиль транспорти ва йўллар институти олимлари томонидан тайёрланган минерал кукунлар эса асфальтнинг мустаҳкамлигини ошириши билан иштирокчилар диққатини тортди.

Фанлар академиясининг Андижон-Наманган илмий маркази (УЗФААНИМ) томонидан тақлиф этилган сувнинг табиий оқим кучидан фойдаланиб, уни ҳеч қандай харажатларсиз 50 метр балангликка кўтариш қурилмаси тезоқар сой, канал, дарёларга ўрнатилса, қандай самара беришини тасаввур этиш қийин эмас.

Андижондаги «Фитолам» хусусий корхонаси томонидан яратилган «Глистогон» сиропи гижжа касалликларига қарши янги ишланма бўлиб, унга иштирокчилар жуда катта қизиқиш билдиридилар. Табиий фаол восита Соғлиқни сақлаш вазирлиги томо-

нидан маъқулланиб, ҳозирги пайтда Тошкент биоорганик кимё институтида клиник синовдан ўтказилмоқда.

— Бутунги анжуман таассуротларга бой бўлди, — дейди Андижон туманидаги «Мирзаҳаким-Тоҳиржон» фермер хўжалиги раҳбари Тоҳиржон Мирзаҳакимов. — Айниқса, «Оқ сув» фермер хўжалиги раҳбари Алижон Аҳмедов томонидан қўлланилаётган камхарж технология менга жуда манзур бўлди.

— Инновацион ғоялар, технологиялар, ишланмаларнинг амалиётга жорий этилиши бутунги ва эртанги куннинг муваффақиятларига асос яратди, — дейди Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Фан ва технологияларни ривожлантириш мувофиқлаштириш кўмитаси ижрочи директори Одишўжа Парпиев. — Шу нуқтаи назардан қараганда, анжуман ҳар томонлама фойдали бўлди. Тадбирда 200 дан зиёд олим ва мутахассислар ўзларининг 300 дан ортиқ ишланмалари билан қатнашганининг ўзиёқ унинг нечоғли самарали бўлганини кўрсатиб турибди.

Хунармандчилик ривожини учун

МАМЛАКАТИМИЗ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ «ХАЛҚ БАДИЙ ХУНАРМАНДЧИЛИГИ ВА АМАЛИЙ САНЪАТИНИ РИВОЖЛАНТИРИШНИ ДАВЛАТ ЙЎЛИ БИЛАН ҚўЛЛАБ-ҚУВВATЛАШ ЧОРА-ТАДБИРЛАРИ ТЎҒРИСИДА»ГИ ФАРМОНИ АЗАЛДАН МИЛЛИЙ ХУНАРМАНДЧИЛИК РИВОЖЛАНГАН НАМАНГАН ВИЛОЯТИДА ҲАМ СОҲА ВАКИЛЛАРИ УЧУН ҚАТОР ИМТИЁЗЛАР ЯРАТИБ БЕРДИ

Комилжон ФАЙЗИЕВ,
«XXI ASR»

Айни пайтда наманганлик тadbirkorлар хунармандчиликнинг 30 дан ортиқ тури билан шуғулланиб, ота-боболари анъаналарини давом эттириш, уни янада ривожлантириш орқали маҳсулотлар сифатини жаҳон андозалари даражасига кўтаришга ҳаракат қилмоқдалар.


Хусусан, Поп туманидаги Гурумсарой кулчилик доғруви мамлакат узра ёйлиб, Ваҳобжон Буваев ва унинг шогирдлари тайёрлаётган сопол идишлар ўзининг ранги, услуби ва сифати жиҳатидан Риштон, Ғиждувон ва Шаҳрисабз кулчулари маҳсулотларидан қўшимчани.

Ўзбекистон халқ устаси, «Меҳнат шuhrати» ордени соҳиби Маҳмуджон Жўраев ва унинг шогирдлари яратётган нақшдор буюмларини эса чинакам санъат асарига қиёслаш мумкин. Бу усталар Наманган шаҳридаги Нодим Номонгоний, Мулла Бозор охунд мақбараларини, Бухоро ва Самарқанд шаҳридаги бир қатор тарихий обидаларни ҳам ёғоч ўймакорлиги ишлари билан бе-зашанларини ташкил қилиш мумкин.

Миллий ипак матолари ишлаб чиқариш устаси Латифхон Аҳмаджонов томонидан яратилган атласнинг «Нодира», «Бегоним», «Ўзбекистон гўзали», «Томчи», «Тумор» сингари янги нусхалари хорижий сайёҳларнинг эътиборини тортмоқда.

Президентимиз томонидан 2011 йилнинг «Кичик бизнес ва хусусий тadbirkorлик йили» деб эълон қилинганлиги наманганлик хунармандларга ҳам шижоат бағишлади, десак муболага бўлмайди. Бугун вилоятнинг шаҳар ва туманларида, ҳатто энг чекка қишлоқларида ҳам устоз-шогирд анъаналари, касб-хунар коллежларида эса ўқувчиларни қўшимча касб ва хунарларга ўргатиш тажрибаси омалашмоқда.

Ҳуш, партия электорати вакиллари бўлган хунармандлар ўз истеъодларини ёрқин намойиш этишлари, маҳсулот ва хизматлари билан ялпи худудий маҳсулот ҳажмига янада



кўпроқ ҳисса қўшишлари, янги иш ўринлари яратишлари учун бутунги кунда нима-ларни қабул қилиш, ёки қайси қонунларга қўшимча ва ўзгартишлар киритишга зарурат туғилмоқда?

О'zLiDeP Наманган вилоят кенгашида ташкил этилган очиқ мулоқотда ана шулар ҳақида фикр юритилди. На-

мангандаги хизмат кўрсатиш ва хунармандчилик билан шуғулланувчи тadbirkorлар, партиянинг вилоят, шаҳар, туман кенгашидаги депутатлик гуруҳлари вакиллари иштирок этган тadbirkor Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутати, фракция аъзоси Равшанбек Асқаров мамлакатимизда кичик бизнес ва хусусий тadbirkorлик, жумладан, хунармандчиликни ривожлантириш, соҳа ходимлари учун имтиёзлар яратиш бўйича амалга оширилаётган ишлар, қабул қилинаётган Қонун ва қарорлар моҳияти ҳақида атрафли фикр юритди.

Шундан сўнг хунармандлар Маҳмуджон Жўраев, Одижон Мавлонов, Валишер Раҳимов, Саодат Қаюмова ва бошқалар сўзга чиқиб, ўзларини қизиқтиратган масалалар ва айрим муаммолар юзасидан тақлиф-мулоҳазаларини билдиридилар. Наманган шаҳридаги касб-хунар коллежларидан бирини хунармандчилик йўналиши бўйича ихтисослаштириш, банклардан кредит олишда қўшимча имтиёзлар яратиш, хом ашё таъминоти, тайёр маҳсулотларини сотиш, экспорт қилишга тартиб-қоидаларни соддалаштириш, шаҳар, туманларда ҳам хунармандчилик маҳсулотлари ярмаркаларини ташкил этиш, тadbirkorлик фаолияти билан шуғулланиш учун ногунар жой бинолари, ер майдонлари ажратишда қўшимча имтиёзлар бериш билан боғлиқ тақлифлар иллари суриди.

Текширишлар давомида солиқ идораларининг айрим масъул шахслари томонидан тadbirkorлик субъектларига нисбатан асосиз равишда ортиқча солиқлар ҳисоблангани, уларнинг ҳуқуқлари бузилишига йўл қўйилганлиги аниқланди. Чортоқ туманидаги «Анортоғ наслчилик ва бурдоқчилик» фермер хўжалиги томонидан мавжуд мол-мулк ҳисоботларда тўлиқ кўрсатилиб, ушбу объектлар учун солиқлар ўз вақтида тўлаб келинган. Аммо туман ДСИ томонидан ҳисобланган солиқлардан ташқари, хўжалик раҳбари К.Зоҳидова фуқаро сифатида ер ва мулк солиғи, 2009 йил августга қадар жами 88,4 млн. сўм солиқ ва 9,3 млн. сўм устама ҳисобланиб, ундирувни хўжаликнинг мол-мулкига қара-


ЮРТБОШИМИЗ ТОМОНИДАН 2011 ЙИЛНИНГ «КИЧИК БИЗНЕС ВА ХУСУСИЙ ТАДБИРКОРЛИК ЙИЛИ» ДЕБ ЭЪЛОН ҚИЛИНИШИ МУНОСАБАТИ БИЛАН МАМЛАКАТИМИЗДА ИҚТИСОДИЁТНИНГ БАРҚАРОР ҲАМДА ТАДБИРКОРЛИК ФАОЛИЯТИ УЧУН ҚУЛАЙ ШАРТ-ШАРОИТ ЯРАТИШ БИРИНЧИ ДАРАЖАЛИ МАСАЛАГА АЙЛАНДИ

Бинобарин, тadbirkorлик субъектларининг ишончли ҳуқуқий ҳимоясини таъминлаш, улар фаолиятига оид қонун ҳужжатларининг тўғри ва тўлиқ ижро этилиши юзасидан назоратни амалга ошириш ҳам айни кундаги муҳим вазифалардан биридир.

Наманган вилоят прокуратураси органлари ана шу талабдан келиб чиқиб, тadbirkorлик субъектларини ҳуқуқий ҳимоялаш, улар фаолиятига ноқонуний аралашувларнинг олдини олиш, текширишлар сонини камайтириш, турли тўсиқ ва суниестемолчиликларга барҳам бериш юзасидан бир қатор ишларни амалга оширмоқда. Хусусан, 2010 йил давомида 315 нафар тadbirkorнинг бузилган ҳуқуқлари тикланишига эришилди. 6 та ҳолатда уларнинг фаолиятига ноқонуний аралашив ва ноқонуний текшириш ҳолатлари аниқланди. Ҳокимларнинг 6 та, назорат органларининг 13 та асосиз қарорлари прокурорлар протести асосида бекор қилинди, 124 тadbirkorдан турли мақсадлар учун ортиқча олинган 2,3 млн. сўм йиғим пуллари уларга қайта ундириб берилди. Давлат бошқарув идоралари томонидан ўз вақтида кўриб чиқилмаган 119 та мурожаат эса ижобий ҳал этилди. Шунингдек, 16 та тadbirkorлик субъектига банк муассасаларидан 197,6 млн. сўм кредит маблағлари олиш, 155 нафар тadbirkorнинг 117,1 млн. сўм миқдоридagi қонуний ҳақларини ундириш, 30 нафарига ер майдонлари ажратиш, нефть, минерал ўнгит олиб бериш ва бошқа масалаларда амалий ёрдам кўрсатилди.

Шоли курмакисиз бўлмаганидек, назорат қилувчи органларнинг айрим мансабдор шахслари томонидан турли суниестемолчиликларга йўл қўйилаётгани ачинарли ҳол, албатта. Жумладан, Мингбулоқ туман ДСИ шўъба бош мутахассиси Р.Зарипов фуқаро Б.Маматқуловдан лицензиясиз фаолият кўрсатгани учун унга нисбатан расмийлаштирилган маъмурий ишни судга оширмаслик эъвазига 500 миң сўм миқдоридagi пулни хизмат хонасида пора тариқасида олаётган вақтда ушланган. Шунингдек, Давлат солиқ кўмитаси бош бошқармаси вилоят бўлими суриштирувчиси А.Усмонов ва бўлим инспектори С.Эгамбердиевлар Наманган шаҳридаги «Қуришш материаллари бозори»да ўтказилган рейд давомида ҳужжатсиз товарларнинг бир қисmini қайтариб бериш эъвазига хусусий тadbirkor К.Юсуповдан 150 миң сўм пул олганлар. Суд ҳукми билан улар Ўзбекистон Республикаси Жиноят Кодексининг тегишли моддалари билан айбдор деб топилди ва жазога тортилди.

Текширишлар давомида солиқ идораларининг айрим масъул шахслари томонидан тadbirkorлик субъектларига нисбатан асосиз равишда ортиқча солиқлар ҳисоблангани, уларнинг ҳуқуқлари бузилишига йўл қўйилганлиги аниқланди. Чортоқ туманидаги «Анортоғ наслчилик ва бурдоқчилик» фермер хўжалиги томонидан мавжуд мол-мулк ҳисоботларда тўлиқ кўрсатилиб, ушбу объектлар учун солиқлар ўз вақтида тўлаб келинган. Аммо туман ДСИ томонидан ҳисобланган солиқлардан ташқари, хўжалик раҳбари К.Зоҳидова фуқаро сифатида ер ва мулк солиғи, 2009 йил августга қадар жами 88,4 млн. сўм солиқ ва 9,3 млн. сўм устама ҳисобланиб, ундирувни хўжаликнинг мол-мулкига қара-



ТАДБИРКОРЛИК ПРОКУРАТУРА ҲИМОЯСИДА

тиш юзасидан фуқаролик ишлари бўйича Учқўрғон туманлараро судига даъво аризаси киритилган ва даъво қаноатлантирилган. Туман прокуратураси ушбу қарорни қонуний жиҳатдан асосиз, деб топди. Натижанда тўловларни ундириш ҳақидаги қарор бекор қилиниб, тadbirkorлик субъектининг ҳуқуқлари тикланди.

Умуман, ўтган йили тadbirkorларнинг ҳуқуқ ва эркинликлари ҳимояси билан боғлиқ қонунбузилиш ҳолатларини бартараф этиш бўйича жойларга 89 та тақдимнома киритилиб, ғайриқонуний қарорларни бекор қилиш юзасидан 188 та протест келтирилган. Ўз вазифаларини лозим даражада бажармаган 152 нафар шахс интизомий, 30 нафари маъмурий жавобгарликка тортилди. Етказилган 67728,2 миң сўм миқдордаги зарар айбдор шахслардан ихтиёрий равишда ундирилди.

Жорий йилнинг ўтган икки ойи мобайнида аниқланган қонунбузилиш ҳолатларини бартараф этиш юзасидан жойларга 2 та тақдимнома киритилиб, 12 нафар шахс интизомий жавобгарликка тортилди. Қонун талабига зид 1 та қарор эса прокурор протестига асосан бекор қилинди.

Бош прокуратура ташаббуси билан мулк эгаларининг ҳақ-ҳуқуқларини ҳимоя қилиш мақсадида вилоят прокуратураси, шаҳар ва туман прокуратуралари қошида «007» рақамли ишонч телефонлари ташкил қилиниб, шу асосда муайян ишлар амалга оширилмоқда. 2010 йил давомида шундай телефонларга турли масалаларга оид 20 дан ортиқ мурожаат келиб тушган. Уларнинг барчаси ижобий ҳал этилди. Жорий йилнинг икки ойи давомида эса ишонч телефонларига 50 та мурожаат бўлди. Жумладан, Чортоқ туманида ишовчи фуқаро М.Хўжаев балиқчилик йўналишида фермер хўжалиги ташкил этиш учун ер майдини ажратишда амалий ёрдам сураган эди. Туман прокуратурасининг аралашуви билан бу масала ижобий ҳал этилди, яъни фермер хўжалиги учун 0,24 га ер майдонини ажратиш ҳақида туман ҳокимининг қарори қабул қилинди.

Бундан ташқари, вилоят прокуратураси томонидан маҳаллий ҳокимликлар, Бош прокуратура ҳузуридаги СВОЖДЛҚҚД худудий бўлиmlари, солиқ идоралари ва савдо-саноат палатаси билан ҳамкорликда жойларда турли учрашувлар ўтказилмоқда.

Таъкидлаш жоизки, тadbirkorлик субъектлари билан ўтказилган 140 дан ортиқ учрашувларда 10 миңдан ортиқ тadbirkor ва фермерлар иштирок этишган. Прокуратура идораларининг аралашуви билан уларнинг 339 нафарига амалий ёрдам кўрсатилди, 340 нафарига эса ҳуқуқий маслаҳатлар берилди.

2011 йилнинг январь-февраль ойларида бўлиб ўтган турли учрашувларда 5 миңдан зиёд тadbirkor ва фермерлар иштирок этишди. 13 нафар тadbirkorга 55 млн. сўмдан зиёд кредит маблағлари ажратилишига амалий ёрдам кўрсатилди. Хусусий мулкдорларнинг ҳуқуқий ҳимояси юзасидан 60 га яқин тарғибот тadbirkorлари ўтказилди, оммавий ахборот воситалари орқали эса 16 та чиқишлар уюштирилди.

Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси матбуот хизмати.

ТАДБИРКОРЛАР ВА ИШБИЛАРМОНЛАР ҲАРАКАТИ — ЎЗБЕКИСТОН ЛИБЕРАЛ-ДЕМОКРАТИК ПАРТИЯСИ ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МАРКАЗИЙ БАНКИ

«Диплом билан — бизнесга» лойиҳаси доирасида олий ўқув юртли ва касб-хунар коллежларининг битирувчи босқич талабалари учун:

Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Таълим муассасаларининг битирувчиларини тadbirkorлик фаолиятига жалб этиш борасидаги қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги Фармони ҳамда «Кичик бизнес ва хусусий тadbirkorлик йили» Давлат дастури ижросини таъминлаш, ёшларни кичик бизнес ва хусусий тadbirkorлик фаолиятига кенгроқ жалб этишга кўмаклашиш, уларда ишбилармонлик кўникмаларини шакллантиришга қаратилган махсус ўқув курсларини ташкил этади.

Маъмур тadbirkor жорий йилнинг апрель-май ойларида республикамизнинг барча минтақаларида ўтказилиши режалаштирилган.

Махсус ўқув сертификатлари эга бўлган ёшларнинг бизнес лойиҳаларига тижорат банклари томонидан имтиёзли микрокредитлар ажратилади.

Қўшимча маълумотларни интернетдаги www.uzliber.uz сайтидан олишингиз мумкин.
«Диплом билан — бизнесга» лойиҳаси ўқувларида иштирок этиш ва ўз бизнесингизни йўлга қўйиш.

БАНК ТИЗИМИ

Мижоз банк учун эмас, банк миужоз учун



Жорий йилда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектлари учун 3 ТРЛН. 863 МЛРД. СЎМ кредит ажратиш кўзда тутилган бўлиб, шунинг 3 ТРЛН. 556 МЛРД. СЎМИ бевосита тижорат банклари, 307 МЛРД. СЎМИ эса нобанк кредит ташкилотлари томонидан кўрсатиладиган микроолиявий хизматлар ҳиссасига тўғри келади.

2011 йилда хизмат кўрсатиш ва сервис соҳасига оид лойиҳаларни амалга ошириш учун тижорат банклари томонидан 280 МЛРД. СЎМ кредит ажратиш кўзда тутилган бўлиб, ҳозиргача 71,4 МЛРД. СЎМ маблағ йўналтирилди.

15 (387)-СОҢ

2011 йил 14 апрель,
пайшанбаe-mail:
axborotXXlasr@yahoo.com

Тадбиркорнинг молиявий ҳамкори ва ишончли таянчи

ПРЕЗИДЕНТИМИЗ ҚАРОРИ БИЛАН ТАСДИҚЛАНГАН «КИЧИК БИЗНЕС ВА ХУСУСИЙ ТАДБИРКОРЛИК ЙИЛИ» ДАВЛАТ ДАСТУРИНИНГ АСОСИЙ ЙЎНАЛИШЛАРИДАН БИРИ КИЧИК БИЗНЕС ВА ХУСУСИЙ ТАДБИРКОРЛИК СУБЪЕКТЛАРИНИ МОЛИЯВИЙ ҚўЛЛАБ-ҚУВВАТЛАШ, ЭНГ АВВАЛО, УЛАР УЧУН БОШЛАНГИЧ КАПИТАЛНИ ШАКЛЛАНТИРИШ, ИШЛАБ ЧИҚАРИШНИ МОДЕРНИЗАЦИЯЛАШ ВА ТЕХНОЛОГИК ЯНГИЛАШГА ҚАРАТИЛГАН ЎРТА ХАМДА УЗОҚ МУДДАТЛИ КРЕДИТЛАР ХАЖМИНИ ОШИРИШ, КРЕДИТ АЖРАТИШ МЕХАНИЗМЛАРИНИ ЯНАДА ТАКОМИЛЛАШТИРИШДАН ИБОРАТДИР



Ақтам САЙФУЛЛАЕВ,
Ўзбекистон Республикаси
Марказий банки
департаменти директори

орқали кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожлантириш бўйича яратилган имкониятлар, шарт-шароитлар, таклиф этилаётган янги банк хизматлари тўғрисида доимий ахборотлар бериб борилмоқда.

Давлат дастурига мувофиқ, жорий йилда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектлари учун 3 трлн. 863 млрд. сўм кредит ажратиш кўзда тутилган

2011 йилда 2,5 баробардан кам бўлмаган миқдорда ошириш вазифаси белгилангани алоҳида таъкидлаш жоиз. Шунга қўра, битирувчи ёшларга 21,5 млрд. сўмдан ортиқ имтиёзли микроолиявий хизматлар кўрсатиш кўзда тутилмоқда. Жорий йилнинг ўтган чораги мобайнида уларнинг тадбиркорликка оид лойиҳаларини молиявий қўллаб-қувватлаш учун 4,1 млрд. сўм миқдорда кре-

Иқтисодиётни янада тараққий эттиришга йўналтирилган мазкур Дастур асосида Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларига кредит бе-

Давлат дастурига мувофиқ, жорий йилда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектлари учун 3 трлн. 863 млрд. сўм кредит ажратиш кўзда тутилган бўлиб, шунинг 3 трлн. 556 млрд. сўми бевосита тижорат банклари, 307 млрд. сўми эса нобанк кредит ташкилотлари томонидан кўрсатиладиган микроолиявий хизматлар ҳиссасига тўғри келади. Ушбу кредит маблағларининг аниқ мақсадлар сари йўналтирилиши Марказий банк томонидан алоҳида мониторинг қилиб борилмоқда. Жорий йилнинг дастлабки чораги ақунларига қўра, тижорат банклари томонидан ўтган йилнинг мос даврига нисбатан 1,4 баробар кўп, яъни 866,0 млрд. сўм миқдорда кредит ажратилгани натижасида белгиланган прогноз кўрсаткичининг 143,2 фоизга бажарилиши таъминланди.

ришни қўлайтиришга оид қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги қарори қабул қилинди. Вазирлар Маҳкамасининг 2000 йил 19 майдаги «Тижорат банкларининг кичик тадбиркорликни ривожлантиришда қатнашишни рағбатлантиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги қарорига тегишли ўзгариш ва қўшимчалар киритилди.

Маълумки, тадбиркорлик субъектларининг ҳуқуқий ҳимоясини кучайтиришда «Микроолияваш тўғрисида», «Кредит уюшмалари тўғрисида», «Микрокредит ташкилотлари тўғрисида»ги қонунлар ва ушбу йўналишдаги қонуности ҳужжатлари муҳим аҳамият касб этмоқда. Микроолияваштириш соҳасини янада такомиллаштириш мақсадида Марказий банк, нобанк кредит ташкилотлари ассоциациялари, манфаатдор вазирлик ва идоралар билан биргаликда тегишли лойиҳалар ишлаб чиқишда ҳамда барча тижорат банкларининг ички ҳужжатларига яқка тартибдаги тадбиркорлар, жумладан, касб-хунар билим юртлари битирувчиларига ажратилган микрокредитлар бўйича жисмоний шахсларнинг мол-мулкнинг гаровга олишни назарда tutuvchi янги нормалар киритилди.

Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларига қўлайлиқ яратиш мақсадида тижорат банкларининг барча филиалларида «Тадбиркорлар хонаси» ташкил этилиб, малакали мутахассислар томонидан кредит ажратиш тартиби, бизнесни йўлга қўйиш ва янада ривожлантириш юзасидан зарур маслаҳатлар берилиши таъминланди. Шунингдек, филиаллар ва минибанклар қошида ташкил этилган «Тадбиркорлар бурчаги»

бўлиб, шунинг 3 трлн. 556 млрд. сўми бевосита тижорат банклари, 307 млрд. сўми эса нобанк кредит ташкилотлари томонидан кўрсатиладиган микроолиявий хизматлар ҳиссасига тўғри келади. Ушбу кредит маблағларининг аниқ мақсадлар сари йўналтирилиши Марказий банк томонидан алоҳида мониторинг қилиб борилмоқда. Жорий йилнинг дастлабки чораги ақунларига қўра, тижорат банклари томонидан ўтган йилнинг мос даврига нисбатан 1,4 баробар кўп, яъни 866,0 млрд. сўм миқдорда кредит ажратилгани натижасида белгиланган прогноз кўрсаткичининг 143,2 фоизга бажарилиши таъминланди. Дастурда касб-хунар коллежлари битирувчиларига ўз бизнесини ташкил этиш, олинган замонавий билим ҳамда кўникмаларни амалиётда қўллаш, уларни кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик соҳасига кенг жалб этиш учун ажратилган имтиёзли кредитлар ҳажмини

дит маблағлари йўналтирилди.

Хусусан, Президентимизнинг «Шахсий ёрдамчи, деҳқон ва фермер хўжалиқларида чорва моллар қўлайтиришни рағбатлантиришни кучайтириш ҳамда чорвачилик маҳсулотлари ишлаб чиқаришни кенгайтириш борасидаги қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги қарори талаблари асосида амалга оширилган ишлар ҳам Давлат дастурида ўз ифодасини топади. Жумладан, жорий йилда тижорат банклари томонидан шахсий ёрдамчи ва деҳқон хўжалиқларига йирик шохли қўрамол сотиб олиш учун 40 млрд. сўмдан ортиқ имтиёзли микрокредитлар ажратиш кўзда тутилгани, ўтган қисқа вақт мобайнида ушбу мақсадлар учун 10,6 млрд. сўм маблағ йўналтирилгани бунинг ёрқин мисолидир.

Кейинги йилларда халқ истеъмоли товарлари ишлаб чиқарувчи корхоналарга кредитлар ажратиш, уларга турли хилдаги хиз-



матлар кўрсатиш масаласига ҳам алоҳида эътибор қаратилмоқда. Юртбошимизнинг «Озиқ-овқат товарлари ишлаб чиқаришни кенгайтириш ва ички бозорни тўлдирish юзасидан қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги қарори асосида жорий йилнинг ўтган даврида ана шу мақсадлар учун 156,8 млрд. сўмдан ортиқ кредит маблағлари йўналтирилгани эътиборга моликдир.

Бугунги кунда хизмат кўрсатиш ва сервис соҳаси кичик бизнес ҳамда хусусий тадбиркорликнинг етакчи йўналишларидан бири ҳисобланади. Зеро Давлат дастурида ушбу соҳага оид лойиҳаларни амалга ошириш масаласига ҳам алоҳида эътибор қаратилган. Шу мақсадлар учун жорий йилда тижорат банклари томонидан 280 млрд. сўм кредит ажратиш кўзда тутилган бўлиб, ҳозиргача 71,4 млрд. сўм маблағ йўналтирилди.

Кичик бизнес субъектларининг лойиҳаларини молиялаштириш учун нафақат миллий, балки чет эл валютасида ҳам кредитлар бериш йўлга қўйилган. Бунда банкларнинг халқаро молия институтлари билан ҳамкорлиги алоҳида аҳамият касб этмоқда. Хусусан, мамлакатимиз банклари томонидан чет эл банклари ва халқаро молия институтларининг имтиёзли ҳамда узоқ муддатли кредит линиялари кенг жалб этилаётганлиги эътиборлидир. Жорий йилда 112,5 млн. АҚШ доллари миқдордаги маблағ бевосита тадбиркорлик субъектларининг инвестицион лойиҳаларини кредитлаш учун ажратилди. Биринчи чорак мобайнида 25,4 млн. АҚШ доллари миқдордаги узоқ муддатли кредит маблағлари ишлаб чиқаришни модернизациялаш ва технологик янгилаш учун йўналти-

Юртбошимизнинг «Озиқ-овқат товарлари ишлаб чиқаришни кенгайтириш ва ички бозорни тўлдирish юзасидан қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги қарори асосида жорий йилнинг ўтган даврида ана шу мақсадлар учун 156,8 млрд. сўмдан ортиқ кредит маблағлари йўналтирилганлиги эътиборга моликдир.

риди. Бу борада халқаро молия ташкилотлари билан ҳамкорликда олиб борилаётган ишлар ҳам яхши самара бермоқда. Хусусан, Вазирлар Маҳкамасининг Осиё тараққиёт банки иштирокида «Кичик ва микроолиялашни ривожлантириш. 2-фаза» лойиҳасини амалга ошириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги 152-сонли қарорига мувофиқ, Осиё тараққиёт банки томонидан «Агробанк», «Ҳамкорбанк» ва «Ипак йўли» банкларига жами 50 млн. АҚШ доллари миқдорда узоқ муддатли имтиёзли кредитлар ажратилди. Жорий йилда Осиё тараққиёт банкнинг 18,0 млн. АҚШ доллари миқдордаги маблағи кичик бизнес субъектларини микрокредитлаш учун йўналтирилди. Ўтган чорак давомида эса ушбу мақсадлар учун 6,3 млн. АҚШ доллари ажратилди.

Президентимизнинг 2006 йилги фармонида асосан ташкил этилган «Микрокредитбанк» акциядорлик-тижорат банки томонидан жорий йилда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожлантириш, хизмат кўрсатиш, қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини қайта ишлаш ва истеъмол товарлари ишлаб чиқаришни кенгайтириш учун 156 млрд. сўм миқдорда микроолиявий хизматлар кўрсатиш кўзда тутилмоқда.

Шуни алоҳида таъкидлаш лозимки, тижорат банклари билан бир қаторда нобанк кредит ташкилотлари фаолиятини такомиллаштириш бўйича қилинган ишлар ҳам эътиборга лойиқдир. Жорий йилнинг дастлабки чораги мобайнида улар томонидан кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларига бизнесни ташкил этиш, айланма капитални тўлдирish ва бошқа мақсадлар учун 75,7 млрд. сўм миқдорда молиявий кўмак берилганлиги фикримиз далили бўла олади.

Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликка оид қонунлар, давлатимиз раҳбарининг Фармон ва қарорлари, Вазирлар Маҳкамасининг қарорлари билан яратилган имтиёзлар, шарт-шароитлари аҳоли ўртасида кенг тушунтириш

мақсадида Олий Мажлис қонунчилик палатаси депутатлари, сиёсий партиялар, Ўзбекистон хотин-қизлар қўмитаси, Савдо-саноат палатаси, жойлардаги ҳокимликлар, тегишли вазирлик ва идоралар билан ҳамкорликда амалий учрашувлар, семинарлар ташкил қилинмоқда. Бугунгача Тошкент вилоятининг Бўка, Андижон вилоятининг Қўрғонтепа, Фарғона вилоятининг Фурқат, Самарқанд вилоятининг Пайарик, Жиззах вилоятининг Бахмал, Сурхондарё вилоятининг Бойсун, Навоий вилоятининг Томди туманларида ана шундай тадбирлар ўтказилди.

Марказий банк ва Ўзбекистон Либерал-демократик партияси билан ҳамкорликда олий таълим муассасалари, касб-хунар коллежлари битирувчиларининг тадбиркорликка оид лойиҳаларини амалга оширишга кўмаклашиш мақсадида «Диплом билан — бизнесга» тадбири ишлаб чиқилган бўлиб, мамлакатимизнинг барча минтақаларида ташкил этилган махсус ўқув-курсларда машгулотлар олиб борилмоқда.

Шунингдек, бир қатор тижорат банклари ёшларни тадбиркорлик фаолиятига кенг жалб этиш, уларнинг бизнес лойиҳаларини рўйбга чиқаришга кўмаклашиш мақсадида «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати билан яқин ҳамкорликда иш олиб бораёпти. Тадбиркорлик субъектлари ўртасида «Энг яхши бизнес режа», «Энг яхши инновацион лойиҳа», «Энг яхши хизмат кўрсатиш лойиҳаси», «Энг яхши ёш тадбиркор», «Энг яхши аёл тадбиркор», «Қишлоқдаги энг яхши бизнес лойиҳа» каби номинациялар бўйича танловлар уюштирилиб, ушбу лойиҳалар асосида имтиёзли кредитлар ажратилаёпти.

Хулоса қилиб айтганда, банк тизимида амалга оширилаётган кенг қўламли ислохотлар, айниқса, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларини молиявий қўллаб-қувватлаш, улар фаолиятини кенгайтиришга қаратилган амалий ҳаракатлар ҳозирда қўз самарасини бермоқда.



Жарима — 68 евро

«Express» газетасининг ёзишича, 2012 йилга бориб Франциянинг Париж, Сен-Дени, Лионе, Гренобл, Клермон Ферране, Бордо, Ницца ва Экс-ан-Провансе каби шаҳарларида ҳавони тозалаш мақсадида 1997 йилгача чиқарилган энгил автомобиллар, 2001 йилгача чиқарилган юк машиналари қатнови тақиқланади. Мутахассисларнинг таъкидлашича, ушбу талбирдан сўнг саратон касалини келтириб чиқарувчи модда — РМ10 зарраларининг ҳавога кўтарилиши сезиларли даражада камаяди. Агар ҳайдовчилар ушбу тақиққа риоя қилишмаса, 68 евро миқдорда жарима тўлайдилар.



Шахсий ҳаётга аралашмиш қимматга тушди

Буюк Британиянинг «News of the World» нашри машҳур кишиларнинг телефон аппаратларига эшитув мосламаларини ноқонуний тарзда ўрнатгани ва уларнинг сўхбатини руҳсатсиз тинглагани учун 15 миллион фунт стерлинг миқдорда жарима тўлайдиган бўлди. Мазкур нашр раҳбарияти актриса Сиенна Миллер, собиқ малайя вазир Тесса Жоуэл ва футбол шарҳловчиси Энди Грейнинг шахсий ҳаётига оид маълумотларни шу йўл билан қўлга киритмоқчи бўлган. Хабарларга қараганда, «News of the World» фаолиятида бундай ҳолат илгари ҳам кузатилган. Газета муҳбирлари 2007 йилда қиролчи ва унинг оила аъзолари телефон сўзлашувларини тинглагани учун ҳатто жиноий жавобгарликка ҳам тортилган.



Энди велосипед ҳам жамоат транспорти

Германияда велосипед ҳам жамоат транспорти қаторига қўшилишга бўлди. Ҳукумат томонидан ишлаб чиқилган лойиҳага кўра, велосипедларни ижарага бериш, метро, автобус ва шаҳар электропоездлари бекатлари атрофида улар учун махсус тўхташ жойлари қуриш кўзда тутилмоқда. Германия транспорт вазир Петер Ремзауернинг айтишича, ҳозирча мамлакатнинг бешта шаҳрида амалга оширилган режалаштирилган мазкур лойиҳага 12,7 миллион евро миқдорда маблағ сарфланади.

Метродаги террорчилик

11 апрель куни Минск шаҳридаги «Октябрьская» метро бекатида портлаш содир бўлди. Оммавий ахборот воситаларида ана шу террорчилик оқибатида 12 кишининг ҳалок бўлгани ва 150 нафар фуқаронинг оғир тан жароҳати олгани айтиляпти.



Ахбар МУЗАФФАРОВ тайёрлади.

ВОКЕАЛАР, ДАЛИЛЛАР, ШАРҲЛАР

Синов остонаси

ЛОНДОНДАГИ GEOSCHANGE, ЯЪНИ ГЕОЎЗГАРИШЛАР ХАЛҚАРО ҚЎМИТАСИ ЭКСПЕРТЛАРИ 2011-2015 ЙИЛЛАРДА САЙЁРАМИЗДА АВВАЛ БАШОРАТ ҚИЛИНГАНДАН КЎПРОҚ ТАБИИЙ ОФАТЛАР ЮЗ БЕРИШИ, 2016 ЙИЛДАН БОШЛАБ ЭСА КАТТА ХУДУДЛАРНИ СУВ БОСИШИ МУМКИНЛИГИНИ ТАЪКИДЛАЙ БОШЛАДИЛАР. УЛАРНИНГ ФИКРИЧА, АЙНИҚСА, 2013-2014 ЙИЛЛАРДА ИҚЛИМ ЎЗГАРИШЛАРИ ЮЗ БЕРИШИ ЯНАДА ОРТАДИ

Аскар ИМОМХЎЖАЕВ

Бундай башоратларнинг ҳақиқатга нечоғли яқин эканига жорий йилда содир бўлётган табиий офатлар ҳам мисол бўлиши мумкин. Хусусан, 1 январда Аргентинанинг Сантьяго Дел Эстеро провинциясида 7, эртаси куни эса Чилининг марказий ҳудудидаги соҳилларда 7,1 балли zilzilalar кузатилди. 18 январь куни Покистонда ана шундай ер силкинишлари қайд этилган бўлса, февраль ойида Италияда энг хавфли вулқон — Этнанинг фаоллашгани маълум бўлди. Австралия ва Германиядаги сув тошқинлари ҳам минглаб одамларнинг бошпанасиз қолишига олиб келди. 2010 йилнинг декабрь ойида бошланган Бразилиядаги сув тошқинлари 2011 йилнинг январь ойида янада кенг тус олди. 13 январга келиб бу офатдан ҳалок бўлганлар сони 480 нафарга етгани таъкидланмоқда. Тошқинларда 20 миллион аҳолига эга Сан Паоло ва Рио-де-Жанейронинг шимолидаги Серанна ва Тересополис шаҳарлари ҳам қолиб кетган. Аммо энг ҳалокатли zilzila 2011 йилнинг 11 март куни Япониянинг шимоли-шарқда юз берган фожиа бўлди. Айна шу куни 9 балли ер қимирлаши натижасида ҳалок бўлганлар сони 11 миң нафар, бешта рақ йўқолганлар эса 16 миң киши экани айтилмоқда. Зилзиладан сўнг «Фукусима-1» АЭСда совутиш тизими ишдан чиқиб, ҳалокатлар кетма-кетлиги юзага келди. Айна пайтда эса Япониянинг кўплаб шаҳарларига радиоактив моддалар тарқалганига жаҳон оммавий ахборот воситалари алоҳида эътибор қаратмоқда.

Ушбу ҳалокат нафақат Япония иқтисодиётига, балки жаҳон бозорини ҳам анча заифлаштирганини мутахассислар бежиз таъкидламапти. Чунки ана шу офат сабабли дунёдаги кўплаб заводлар ишлаб чиқаришни секинлаштиришга мажбур бўлди. Гарчи Япония иқтисодиёти тез оёққа туриши айтилаётган бўлса-да, ядровий инқирознинг узоқ вақт давом этиши мумкинлиги ҳақидаги хабарлар ушбу мамлакат билан ҳамкорлик қилаётган давлатлар иқтисодиётига ҳам жиддий зиён етказиши таъкидланапти. Хусусан, «Porsche» автомобиль заводи узатиш қутиларини Япониянинг «Aisin» заводидан тайёрлаган бўлса, «Apple» фирмасининг iPad компьютерлари «Toshiba» заводидан ишлаб чиқарилар эди. Жаҳон автомобилсозлигининг етакчи корхоналаридан бири бўлган «Oreol» компанияси эса кунчиқар мамлакатдаги табиий офатлар туфайли эҳтиёт қисмларсиз қолмоқда.

Айрим экспертлар Япониянинг энг кўп зарар кўрган ҳудудларини қайта тиклаш учун 200 миллиард АҚШ доллари (142 миллиард евро) миқдорда маблағ талаб этилишини таъкидламоқдалар. Бундан аввал Кобедаги ҳалокатли zilziladan сўнг мамлакатни тиклаш учун 100 миллиард АҚШ доллари сарфланганини назарда тутса, кетма-кет юз



бараётган табиий офатлар давлат иқтисодиётини анчайин мушкул аҳволга солиб қўйгани аён бўлади.

Швейцариядаги «Bank Sarasin» мутахассислари Япониянинг йирик шаҳарлари яроқсиз ҳолга келса, мамлакат ўз иқтисодиётининг 10 фоизини узил-кесил йўқотиши мумкин, бу миқдор дунё иқтисодиётининг тахминан 1 фоизини ташкил этади, деган фикрни билдирдилар.

Жорий йилда Таиланд ҳам ана шундай офатларни бошдан кечирди. Хусусан, 28 март куни мамлакатнинг 5 та жанубий провинциясини ювиб кетган кучли тошқин 300 миңдан зиёд аҳолига зарар етказди. 34 ҳудуддаги аҳоли бошқа ерларга кўчирилди. Суратгани, Транг ва Чумпон провинцияларида эса йўллар ўпирилиб, поездлар ҳаракатдан тўхтади, аэропортлар ёпилди.

Айрим маълумотларда эса бундай офатлар 2015 йилга қадар давом этиши айтилаётир. 2016 йилда ҳатто улкан музларнинг эриши ҳамда катта ҳудудларни сув босиш эҳтимоли борлиги таҳлилчилар эътиборини тортмоқда. Гарчи табиий офатлар ҳақида олдиндан маълумот бериш жуда мушкул бўлса-да, соҳа мутахассислари халқроқ ташкилотлар, давлатлар раҳбарлари оддий фуқароларни юз бериши мумкин бўлган ҳолатлардан хабардор қилиш учун барча имкониятлардан фойдаланишлари лозимлигини таъкидлаяптилар.

Швейцариядаги «Swiss Re» сугурта компанияси маълумотларида 2010 йилда табиий офатлардан кўрилган жами зарар 222 миллиард АҚШ долларини ташкил этганини айтиляпти. Бу кўрсаткич 2009 йилдаги 63 миллиардга солиштирилса, аҳвол нечоғли жиддий экани аққолроқ намоён бўлади. Сўнгги ўн йилда кузатилган ероти силкинишлари аввалги 50 йилга нисбатан 42 фоиз ортгани, биргина АҚШнинг ўзида ўтган 5 йилда сув тошқинларидан кўрилган молиявий зарар ундан аввалги 20 йилликка тенг бўлгани ҳам инсониятни жиддий ташвишга солиб қўйди. Кейинги ўн йилда эса цунамидан аввалги юз йилликка нисбатан

10 баробар кўп киши ҳалок бўлганлиги ҳам юқоридагидек башоратлар бежиз эмаслигини кўрсатапти.

Утан йили сув тошқинидан Покистон, Бразилия, Австралия, Хитой, Мексика, zilziladan Гаити, Чили, Туркия, Хитой, Индонезия, вулқон отилишидан Исландия, Индонезия, Узоқ Шарқ мамлакатлари ҳамда Экватор кўп азият чеккан бўлса, Россия, Исроил, Австралияни ўрмон ёнғинлари қийин аҳволга солиб қўйди. Агар 2009 йилда табиий офатлар туфайли ҳалок бўлганлар сони 15 миң нафарни ташкил этган бўлса, 2010 йилда бу кўрсаткич 320 миңга етган. Бирлашган Миллатлар Ташкилоти маълумотларида эса табиий офат қурбонларининг 300 миң нафари Лотин Америкасига тўғри келгани, мазкур ҳудудга етказилган зарар эса 49,4 миллиард АҚШ долларини ташкил этгани айтиляпти.

Ҳақиқатан ҳам XXI асрда юз бераётган сув тошқинлари ин-

сониятга катта зарар келтирди. Мутахассислар 2010 йили Покистонда рўй берган сув тошқинини энг даҳшатли табиий офат, дея баҳолаган бўлсалар, июль ойида узоқ давом этган ёнғинларчилик 3,5 миң кишининг ётишини кўриганини таъкидламоқдалар. Австралиянинг Квинсленд штатидаги сув тошқини мамлакатга 9 миллиард АҚШ доллари миқдорда зарар келтирган. Бунинг оқибатида асосан экспорт қилинувчи кўмир ва темир рудаси ишлаб чиқарилиши деярли тўхтаб қолган. Натижада дунёга коксланадиган кўмирнинг 50 фоизини етказиб берувчи мамлакатнинг 75 фоиз конлари фаолияти батамом тўхтаган. Катта ҳудуддаги бугдой майдонларининг сув остида қолгани эса дон ва дон маҳсулотлари нархининг кескин ўсишига олиб келган.

GEOSCHANGE мутахассисларининг ўрмон ёнғинларига ҳам алоҳида эътибор қаратганлари бежиз эмас, албатта. Чун-

ки 2010 йилнинг ёзида Россия Федерациясида содир бўлган ёнғинлар сўнгги юз йилдаги энг аянчли табиий офатлар сифатида баҳоланмоқда. Россия факуллода вазиятлар вазири Сергей Шойгунинг фикрича, ёнғинлар туфайли фақатгина марказий ва Волгабуйи ҳудудларида 1170 та турар жой ёниб кетгани натижасида 2178 нафар аҳоли бошпанасиз қолган. 150 дан ортқ аҳоли пунктларининг қули эса кўкка соворилган.

Соҳа мутахассислари ва экологлар томонидан бундай офатларга она табиатта шифтсизларча муносабат, унинг бойликларини совириш бош сабаб қилиб кўрсатилмоқда. Уларнинг фикрича, аҳвол шу тарзда давом этaversa, ҳатто тасаввур этиш қийин бўлган офатлар ҳам юз бериши мумкин. Улкан табиий офатлар бугунгача турган дунё ҳамжамияти бундан зарур сабоқни олиши керак. Акс ҳолда инсоният қутилмаган фожиаларни бошдан кечириши муқаррар.

Гангстерлар ўрнини кибер-жиноятчилар эгаллашмоқда

Ахборот асри инсониятга сайёраимизнинг исталган нуқтасидан керакли маълумотларини бир зумда етказиб беришдек қўлайлик туеиригани ҳолда дунёдаги манаман деган таниқли компаниялар ички ахборотларини оламга ёйишдек катта ташвиш ҳам келтира бошлади. «Market-Уоч» интернет-нашри антивирус маҳсулотларини ишлаб чиқарувчи «МакАфи» интернет-компаниясининг ҳисоботида таяниб маълумот беришича, ҳатто энг яхши ҳимояланган йирик компания ва корпорациялар ҳам кибер-жиноятчилик оқибатида ҳар йили 1 триллион долларга яқин зарар кўраётган экан. Бундай рақамларни инсоният компьютерни кашф этмаган даврдаги гангстерлар ҳатто тасаввур ҳам эта олмаганлари аниқ.



ВНИМАНИЕ!

В целях уточнения расчетов численности населения республики и других демографических показателей для разработки целевых программ социально-экономического развития территорий, программы создания новых рабочих мест, а также дальнейшего развития системы государственных статистических наблюдений с 21 по 30 апреля 2011 года будет проводиться выборочное статистическое обследование численности населения. Управление статистики г.Ташкента убедительно просит жителей столицы оказать содействие в сборе достоверной информации. В выборочное обследование методом представительной случайной выборки попали следующие махалли г.Ташкента:

- Учтепский район м.с.г. «Ибрат» м.с.г. «Жарбулоқ» м.с.г. «Зулфизар» м.с.г. «Испироҳат» м.с.г. «Катта Қайни» м.с.г. «Қозилузар» м.с.г. «Журжоний»
- Бектемирский район м.с.г. «Бобур» м.с.г. «Миришкор»
- Мирзо-Улугбекский район м.с.г. «Катта Қорасув» м.с.г. «Қудуқбойи» м.с.г. «Дархон» м.с.г. «Гулзор» м.с.г. «Бузарик»
- Шайхантахурский район м.с.г. «Ипакчи» м.с.г. «Хувайдо» м.с.г. «Хадра» м.с.г. «Урда» м.с.г. «Тирчилик» м.с.г. «Гулбозор» м.с.г. «Тахтауул»
- Сергелийский район м.с.г. «Обод» м.с.г. «Маданият» м.с.г. «Мустиқиллик» м.с.г. «Алишер Навоий» м.с.г. «Қўшқўрғон» м.с.г. «Гулистон»
- Чиланзарский район м.с.г. «Маданият» м.с.г. «Тирчилик» м.с.г. «Навбахор» м.с.г. «Мевазор» м.с.г. «Меҳржон»

- Юнусбадский район м.с.г. «Бодомзор» м.с.г. «Астрообод» м.с.г. «Бобоевхон» м.с.г. «Исломобол» м.с.г. «Беруний» м.с.г. «Аҳмад Дониш» м.с.г. «Ахилобол»
- Яккасарайский район м.с.г. «Бобур» м.с.г. «У.Носир»
- Мирабадский район м.с.г. «Истиқлол» м.с.г. «Минг Уриқ» м.с.г. «Толарик» м.с.г. «Янги Қўйлик»
- Алмаларский район м.с.г. «Тарахдўст» м.с.г. «Хофиз Куҳакий» м.с.г. «Олимпия» м.с.г. «Пахта» м.с.г. «Себзор» м.с.г. «Мирзо Ғолиб» м.с.г. «Табассум»
- Хамзинский район м.с.г. «Бинокор» м.с.г. «Беш бола» м.с.г. «Баҳор» м.с.г. «Бобоахун Салимов» м.с.г. «Амир Темур»

ТЕЛЕФОН ДЛЯ СПРАВОК: 230-88-22, 230-88-23, 230-88-24, 230-88-11, 230-88-12.

Хурматли тадбиркор ва ишбилармонлар!

ТАДБИРКОРЛИК ВА ФЕРМЕРЛИКНИ ҚўЛАБ-ҚУВАТЛАШ МАРКАЗИ

нодавлат ноижорат ташкилоти хусусий бизнесни йўлга қўйиш, иш фаолиятингизга турли ноқонуний аралашувлар сабабларини таҳлил қилиб, уларни бартараф этишда сизларнинг энг яқин ҳамкорингиз ва кўмакчингиздир.

Фаолиятингизда бирор муаммо юзага келса, сира иккиланмай бизга мурожаат этинг!


Манзил: Мирзо Улугбек тумани, Қорасув-6 даҳаси 19 Ғ уйда жойлашган.
Тел: 8 (971) 265-80-48; 265-73-17. E-mail: deputat.uz@rambler.ru

Расуловнинг туяқушлари Пахтаободга мослашмоқда

Пахтаобод туманининг Ҳотир қишлоғида яшовчи Абдулаҳадхон Расулов, мана бир неча ойдирки, хонадонда Жанубий Америка туяқушларини парваришламоқда. Замонавий фермернинг таъкидлашича, Нанду турига мансуб 4 бош антиқа қуш табиий шароитимизга анча мослашиб қолган.

— Уларнинг озуқаси товуқларники билан бир хил, — дейди А.Расулов. — Ҳар бирининг ўртача оғирлиги — 120 килограмм. Бўйи эса 2 метрдан баланд.

Мутахассислар айтишларича, тухумининг оғирлиги салкам бир ярим килограммни ташкил қиладиган ушбу паррандаларни 160 килограммгача семиртириш мумкин. Шу ўринда туяқуш гўшти ва тухуми сара парҳез таомлар гуруҳига киришини ҳам алоҳида таъкидлаш жоиз.



Тўлов телефон орқали

«БИЛАЙН» АЛОҚА ОПЕРАТОРИ «SMS-TO`LOV» ДЭБ НОМЛАНГАН НАҚД ПУЛСИЗ ЭЛЕКТРОН ТИЗИМ ОРҚАЛИ ТЎЛОВЛАРНИ ҚАБУЛ ҚИЛА БОШЛАДИ

UzDaily.uz сайтидан хабар қилинишича, ушбу тизим ёрдамида компания абонентига банк депозитларидаги пул маблағларидан имкон даражада максимал фойдаланиш, яъни маҳсулотлар ва хизматлар учун он-лайн-тўловларни амалга ошириш имконияти яратилди. Бошқача айтганда, уяли телефон пластик картчанинг банкдаги ҳисоб-рақамига уланади.

— Компаниямиз электрон тўлов оператори — Ўзбекистон савдо-саноат палатаси ҳузуридаги «SSP Maqodand» унитар корхонаси билан бу борада шартнома имзолаган биринчи ҳамкорга айланганидан ҳамда абонентларимизга ушбу хизматни тақдим этаётганимиздан хурсандман, — дейди «Билайн» савдо белгиси остида фаолият олиб бораётган «Unitel» МЧЖ жамоатчилик билан ишлаш бўлими менежери Ораз Абдуразақов. — Ишончим комилки, «SMS-TO`LOV» яқин келажакда кўп сонли мижозларига эга бўлади.



Калия йодид


Йодомарин®

Море всегда с тобой!

- Устраняет дефицит йода
- Повышает иммунитет
- Улучшает память и внимание

Состав: Йодомарин® 100 - содержит калия йодид 131 мг (что соответствует 100 мг йода). Йодомарин® 200 - содержит калия йодид 262 мг (что соответствует 200 мг йода). Показания: Профилактика йоддефицитных заболеваний (для предотвращения йоддефицитных заболеваний и образования зоба у людей, проживающих в районах с дефицитом йода в окружающей среде, в первую очередь у детей, подростков, беременных и кормящих женщин). Лечение диффузного токсического зоба. Дозировка и профилактика зоба: младенцы и дети - 50-100 мг в сутки, подростки и взрослые - 100-200 мг в сутки, период беременности и кормления грудью - 200 мг, после операции по поводу зоба или после окончания медикаментозного лечения зоба гормонами щитовидной железы - 100-200 мг. Противопоказания: при маниакальном тиреозе; при легком тиреозе в дозах, превышающих 150 мг йода в сутки, при автономной аденоме, а также функционально диффузные токсические щитовидной железы при применении в дозах от 300 до 1000 мг йода в сутки (за исключением профессиональной йодотерапии с целью блокады щитовидной железы по Трайвару); при известной повышенной чувствительности действующему веществу или одному из прочих компонентов препарата; зоб в форме вульсузы; Йодомарин® - табл. по 100/200 мг № 100 в упаковке.

Б-250-98 N 14003, 29.02.08. Б-250-98 N 19001, 29.02.08. BERLIN - CHEMIE MENARINI



Сарибозорчада янги қўшма корхона

Фаргона вилоятининг Сўх туманида қолбаса маҳсулотларини ишлаб чиқарувчи «Сўх-Россия» қўшма корхонаси фаолият бошлади.

«Узинформ» ахборот портали хабарига кўра, «Сарибозорча» маҳалла фуқаролар йиғинида истиқомат қилувчи ака-ука тadbirkor — Хикматжон ва Пайровжон Мирзабековларнинг сазой-ҳаракатлари билан очилган корхонада 30 та янги иш ўринлари яратилган. Ишлаб чиқаришни янада кенгайтиришни мақсад қилган ака-ука тadbirkorлар яқин келажакда яна 20 нафар маҳалладошларини иш билан таъминлаш ниятидандир.

«Сарибозорча» маҳалла фуқаролари йиғини раиси А.Аминовнинг таъкидлашича, маҳалланинг бир гуруҳ тadbirkorлари қандолат цехи ва сут маҳсулотларини қайта ишлайдиган кичик корхоналарини ишга туширишга ҳозирлик кўрмоқдалар.

Жасур «Юлдузлар лигаси» голиби

Футбол бўйича Ўзбекистон терма жамоаси ҳамда Қатарнинг «Лахвия» клуби яримҳимоячиси Жасур Ҳасанов маъмурият мамлакат чемпионати — «Юлдузлар лигаси» голиблигини қўлга киритди. Аҳамиятли томони шундаки, бундан бор-йўғи беш-олти йил аввал ташкил этилган «Лахвия» ўтган мавсумни иккинчи дивизионда ўтказганди. Жорий мавсумда «элита»га қўшилиши билан таркибини бир қатор легионерлар, жумладан, «Бунёдкор»нинг собиқ етакчиларидан бири Жасур Ҳасанов билан кучайтирган клуб раҳбарияти жамоа олдида мамлакат чемпионлигини қўлга киритишни олий мақсад этиб қўйди. Шу тарихқа Қатар футболнинг «Ал Фарафа», «Ал Саид», «Ал Араби» сингари «фахрий» жамоаларини орта қолдиришга эришган ёш клуб муддатидан аввал олтин медаллар соҳибига айланди. Дарвоқе, шу ўринда «Лахвия»нинг деярли барча учрашуварида майдонга асосий таркибда тушган Жасур Ҳасанов ўз ҳисобига 3 та гол ёзиб, жамоасининг муваффақиятига муносиб ҳисса қўшганини алоҳида таъкидлаш жоиз.

МЧЖ «ЖОМБОУ ЈАВОНИРИ» ЎЗБЕКИСТОН-ТУРКИЯ ҚЎШМА КОРХОНАСИ

МАХСУЛОТ ТУРЛАРИ

Қопланган микрокальцит: 065ZMK, 095MK, 1MK, 2EXMK, 2MK, 3MK, 5MK

Микрокальцит: 065M, 095M, 1M, 2EXM, 2M, 3M, 5M, 10M, 15-40M

Манзил: Самарқанд вилояти, Жомбой тумани, Деҳқонобад қўрғони, Саноат ҳудуди. Тел: (+998 66) 900-70-86, (+998 95) 502-42-24.

Бизнинг томлар зангламайди

МЕТАЛЛОЧЕРЕПИЦА

ПРОФНАСТИЛ

Пўлат ижараси қалинлиги 0,8мм дан 30мм гача

(+998 90) 175-62-57
(+998 71) 283-06-56

NEW INVEST
BEST INVEST
UZBEKISTAN-AUSTRIA

Називин®

дЛЯ НОСОВ И НОСИКОВ

Показания

- Лечение острых респираторных заболеваний, сопровождающихся насморком;
- аллергический ринит;
- вазомоторный ринит;
- для восстановления дренажа при воспалении придаточных пазух полости носа, евстахиите, среднем отите;
- для устранения отека перед диагностическими манипуляциями в носовых ходах.

Регистрационное удостоверение: П/4-287/08/002/01, Б-250-98/002/01
Отпускается без рецепта врача
Финансирование государственное
Импортёр: ООО «Никомед»
Сайт: www.nicomed.ru

Мерк КГА Германия для Никомед
Товар сертифицирован

Новый дизайн упаковки Називин

- Препарат от насморка для взрослых и детей с первых дней жизни
- Обладает продолжительностью действия до 12 часов
- Производится в Германии